№ 1-2, 2013

Биржа Эксперт

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ



УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати

37

ТЕМА НОМЕРА:

Развитие лизинга – путь к устойчивому внедрению водосберегающих технологий в фермерских хозяйствах

49

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

7 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни

26 Наманган вилояти енгил саноат корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари

Комплексная методика управления состоянием и развитием систем 45

Анализ основных тенденций развития рынка лизинговых услуг в Узбекистане 53

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №163/5 от 25 марта 2010 года, журнал «Биржа-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

Истиқлол ва истиқбол
Б. Беркинов. Иқтисодиётда уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари **3**

Тадбиркорлик
Ғ. Бабаходжаев, А. Исроилов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни **7**

Молия сиёсати
Алтинбек АБДУЛЛАЕВ. Банк ликвидлигини бошқариш усуллари ва уларга хос бўлган хусусиятлар **12**

Бозор тамойиллари
Ж. Исақов. Тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини ошириш омиллари **16**

Соҳа тараққиёти
Б. Хакимов. Ипакчилик маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш самарадорлигини ошириш муаммолари **21**

Муносабат
Ж. Фарманов. Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари **24**

Таҳлил
З. Ҳакимов. Наманган вилояти енгил саноат корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари **26**

Вазиятга назар
У. Нарманов, Б. Локаев. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали омиллари **29**

Таққос ва таҳлил
Х. Абулқосимов, Г. Алимова, М. Ашурова. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар **32**

Дунё тажрибаси
А. Ҳасанов. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати **37**

Ислоҳот
А. Ишмухамедов, Г. Жанназарова, Г. Алимова. Ўзбекистонда бизнес истиқболлари **40**

Ижтимоий ҳаёт
Ж. Бакирова. Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш **43**

Содержание

Ресурсы
З. Отакузиева, А. Талипова, А. Ойматов. Комплексная методика управления состоянием и развитием систем **45**

Агросектор
Т. Фарманов, Ф. Юсупова. Развитие лизинга – путь к устойчивому внедрению водосберегающих технологий в фермерских хозяйствах **49**

Аналитика
Х. Абдурахманов. Анализ основных тенденций развития рынка лизинговых услуг в Узбекистане **43**

Мировой опыт
Кью Джу Жу. Пример использования сетей следующего поколения (NGN) в сельском хозяйстве китайской провинции Сычуань **56**

Биржа Эксперт

Биржа Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор, РТФА академиги
доктор экономических наук, профессор, академик РАЕН

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Абдураҳим ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Дилфуза РАҲИМОВА
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир ХОДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Алишер ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Шуҳрат ЮЛДАШЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Эркин ГАДОЕВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Шарофиддин ҲАЙДАРОВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Аҳтам ДАЛИЕВ
иқтисод фанлари номзоди
кандидат экономических наук

Иқтисодиётда уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНДИ. УНГА МУВОФИҚ, УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИГА ҚЎШИМЧА ЕР УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН ҚОРАМОЛЛАР, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА ЁШ ОИЛАЛАРГА УЙ-ЖОЙ БЕРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. НАТИЖАДА МАМЛАКАТ БЎЙИЧА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ СОНИ ҲАМДА ДАРОМАДЛАРИ КЕСКИН КЎПАЙДИ, АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ ТЕЗЛАШДИ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил "Мустаҳкам оила йили"[1] деб номлангани ва шу асосда Давлат дастури қабул қилингани оила фаолиятининг ижтимоий, иқтисодий, молиявий асосларини бирлаштирувчи уй хўжаликларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бу уй хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ўсишига қўшаётган ҳиссасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз аҳолиси сонининг мунтазам ўсиб боришига қарамасдан, ЯИМ ўсиш суръатлари аҳоли жон бошига уни ишлаб чиқаришни ошишини таъминлаб берди. Агар аҳоли сони 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 11,7 фоизга кўпайган бўлса (1-жадвал), шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ қарийб 4,4 марта ошгани бунинг исботи ҳисобланади.

Бундай ижобий ўзгаришларда республика уй хўжалиги сектори ҳам ўзига хос ўрин тутади. Статистик маълумотларга қараганда, республикада 2010 йилда 5389,1 мингта ва 2011 йилда 5752,8 мингта уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар сони 2005 йилга солиштирганда 12,1 фоизга ошган. Агар 2005 йилда уй хўжаликларида 4476,4 млрд. сўмга тенг тадбиркорлик даромади (қўшимча қиймат) яратилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 22936,4 млрд. сўмни ташкил этган. Ёки 2005 – 2011 йиллар даврида уй хўжаликларида ишлаб чиқариш 5,1 мартага ошган (1-жадвал). Шу даврда уй хўжаликларининг ЯИМдаги улуши 2005 йилдаги 28,1 фоиздан 2011 йилда 29,5 фоизгача ошган.

Уй хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожи, улар даромадлари, истеъмоли ҳамда жамғаришнинг ўсишига асос яратди. Республика уй хўжаликларида 2011 йилда 22936,4 млрд. сўм тадбиркорлик даромади олинган, бу 2005 йилга солиштирганда қарийб 5,1 мартага кўпдир. Шундан 9641,1 млрд. сўми (2011 й.) жамғаришга ажратилган. Ушбу жамғарма миқдори 2011 йилда ЯИМнинг 12,4 фоизини ташкил этган ва бу 2005 йилга таққослаганда 0,8 фоиз пунктига ошган. Уй хўжаликлари жамғармалари миқдори кўпайиши, уларни асосий капиталга киритаётган инвестициялар ҳажмини

1-жадвал. Ўзбекистонда уй хўжаликлари ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Йил	Аҳоли сони, млн. киши	Уй хўжаликлари						Аҳоли жон бошига уй хўжалиги	
		тадбиркорлик даромадлари (қўшилган қиймат)		жамғармаси		асосий капиталга инвестицияси		ойлик даромади, минг сўм	ойлик истеъмоли, минг сўм
		млрд. сўм	ЯИМга нисбатан, %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан, %	млрд. сўм	умумий инвестицияга нисбатан, %		
2005	26263,6	4476,4	28,1	1839,3	11,6	361,1	11,4	444,5	344,1
2006	27048,5	5983,7	28,3	2943,0	13,9	477,9	11,8	577,0	442,5
2007	26962,1	8123,1	28,8	3774,2	13,4	643,8	10,9	775,4	589,2
2008	27398	9988,1	25,6	6305,7	16,2	834,6	8,7	1057,2	745,2
2009	27767	12316,9	24,9	7332,0	14,8	1325	10,6	1312,0	976,3
2010	28228	17655,9	28,3	8360,0	13,4	2448,9	16,0	1692,0	1273,0
2011	29349	22936,4	29,5	9641,1	12,4	3357,5	18,4	2158,8	1592,2

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

кўпайтириш имкониятини берди. Уй хўжаликларининг асосий капиталга киритган инвестицияларининг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 2005 йилда 11,4 фоиз бўлган бўлса, у 2011 йилда 18,4 фоизга тенг бўлди.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланишини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда улар ойлик даромадларининг ҳамда истеъмоли ҳажмининг кейинги йилларда муттасил ошиб боришидан ҳам кўриш мумкин. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли жон бошига уй хўжалиги ойлик даромади 2005 йилда 444,5; 2008 йилда 1057,2 ва 2011 йилда 2158,8 минг сўмни ташкил этган ёки ҳар 3 йилда уй хўжаликлари даромадлари ўртача 2 – 2,2 баробарга ошиб борган. Ва бу ўсиш 2011 йилда 2005 йил билан солиштирганда қарийб 4,8 мартани ташкил этади. Худди шундай ўсиш тенденциясини аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликлари ойлик истеъмолида ҳам кузатиш мумкин. Уй хўжаликлари даромад ва истеъмолининг ўсишини оила тадбиркорлиги ривожланиши ва уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши натижалари сифатида баҳолаш ўринли ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда республика уй хўжаликларининг истиқболда ривожланишининг асосий тенденцияларини баҳолаш муҳимдир. Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кучайиши эҳтимоли ҳозир ҳам мавжуд. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, "Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсида рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда"[2]. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз уй хўжаликларининг кейинги даврда ривожланиши ҳақида асосланган прогноз маълумотларига эга бўлиш, давлатимиз томонидан уларни қўллаб- қувватлаш ва бир маромда барқарор иқтисодий ўсишини рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Уй хўжаликлари ривожланишининг илмий жиҳатдан асосланган прогноз вариантларини танлаш учун иқтисодий-математик моделлаштириш усули қўлланилди ва қуйидаги услубий ёндашувлар асосида уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштириш амалга оширилди.

Биринчи ёндашув – уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши, уларни аввалги йиллар фаолиятига боғлиқ, деган гипотезага асосланган. Бунда уй хўжаликлари фаолиятини ўзида ифода этувчи вақт қатори омил сифатида қаралиб, вақт тренди моделлари ишлаб чиқилди.

Иккинчи ёндашув – уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши унга таъсир этувчи омилларнинг ўсиш даражасига боғлиқ, деган гипотезага асосланади. Бу ҳолда уй хўжалиги ривожланиш омилларининг ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи эконометрик моделлар тузилди.

Биринчи ёндашув асосида мамлакат аҳолиси ҳамда ЯИМнинг ўсиши ва уй хўжаликлари ривожланиши кўрсаткичлари бўйича 40 та (5 тадан вариант) тренд моделлари тузилди. Улардан статистик баҳолаш мезонларини солиштириш натижаларига таяниб, прогнозлашда фойдаланиш учун чизиқли полиминал ва даражали функциялар танланди. Ушбу функциялар моделлаштирилаётган жараёнга таъсир этувчи омиллар ўзгариш қонуниятларини ўзида аниқроқ акс эттириши билан бошқа (логорифмик, экспоненциал) боғланишли функциялардан фарқ қилади.

ТАНЛАНГАН ТРЕНД МОДЕЛЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

1. Аҳолининг ўртача йиллик сони (минг киши)

I-вариант: $y = 442{,}76t + 25802;\ (R^2 = 0{,}9168;\ t_{хи} = 5{,}12),$ (1)

II-вариант: $y = 50{,}496t^2 + 38{,}789t + 26407;\ (R^2 = 0{,}9526;\ t_{хи} = 26{,}95),$ (2)

2. Уй хўжаликлари ихтиёридаги ялпи даромади (млрд. сўм)

I-вариант: $y = 798{,}15t^2 + 1115{,}5t + 9180;\ (R^2 = 0{,}9997;\ t_{хи} = 91{,}2),$ (3)

II-вариант: $y = 7500{,}7t - 391{,}8;\ (R^2 = 0{,}9669;\ t_{хи} = 8{,}7),$ (4)

3. Уй хўжаликларининг пировард истеъмоли (млрд. сўм)

I-вариант: $y = 6150{,}8t + 734{,}44;\ (R^2 = 0{,}9494;\ t_{хи} = 6{,}78),$ (5)

II-вариант: $y = 7494{,}8t;\ (R^2 = 0{,}9287;\ t_{хи} = 33{,}7),$ (6)

4. Уй хўжаликлари пул жамғармаси (млрд. сўм)

I-вариант: $y = 13{,}564t^2 + 1458{,}4t + 179{,}8;\ (R^2 = 0{,}9845;\ t_{хи} = 12{,}5),$ (7)

II-вариант: $y = 1349{,}9t + 342{,}59;\ (R^2 = 0{,}9842;\ t_{хи} = 12{,}4),$ (8)

5. Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг ЯИМдаги улуши (қўшилган қиймат), млрд. сўм

I-вариант: $y = 2468{,}9t + 1012{,}8;\ (R^2 = 0{,}9721;\ t_{хи} = 9{,}2),$ (9)

II-вариант: $y = 231{,}72\ t^2 + 615t + 3793{,}4;\ (R^2 = 0{,}9978;\ t_{хи} = 33{,}6),$ (10)

6. Уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестицияси, млрд. сўм

I-вариант: $y = 486{,}16t - 594{,}8;\ (R^2 = 0{,}9721;\ t_{хи} = 9{,}2),$ (11)

II-вариант: $y = 231{,}72\ t^2 + 615t + 3793{,}4;\ (R^2 = 0{,}8549;\ t_{хи} = 3{,}7),$ (12)

Моделларнинг ишончлилигини баҳолашнинг R^2 ҳамда $t_{хи}$ – Стьюдентнинг статистик мезонлари юқори қийматларга эга. Моделларда $t_{хи}$ – Стьюдент меъзони қийматлари, унинг жадвал қийматларидан катта, ва бу вақт қаторида фавқулодда тебранишлардан ҳоли бўлган барқарор тенденция (ўсиш) мавжудлигини билдиради.

Прогноз натижаларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг ўртача сони, 2012 йилда (II-вариант) қарийб 30 млн. кишини ташкил этиши мумкин. 2015 йилга бориб ушбу прогноз варианти бўйича аҳоли сони 32943,7 минг кишига ёки 2011 йилга таққослаганда 12,3 фоизга ўсиши кутилади.

Прогноз натижаларига мувофиқ уй хўжаликлари ялпи даромади ҳар иккала вариант бўйича ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга. Айниқса унинг 2014 йилдан бошлаб тезлашиши кузатилади(1-расм). Бунга мамлакатда 2012 йил 26 апрелида қабул қилинган "Оила тадбиркорлиги тўғрисида"ги ЎзР қонунининг кенг жорий этилишининг ижобий таъсири натижасида эришилади.

Уй хўжаликлари ялпи даромадлари 2015 йилда 2011 йилга солиштирганда I-вариант бўйича 45,6 ва II-вариант бўйича 109,4 фоизга ошиқ бўлиши мумкин. Уй хўжаликлари даромадини ошиши улар жамғармаларининг ҳам мос равишда ошишига имкон беради. Уларнинг оила истеъмоли учун ажратиладиган маблағлари ўсиш тенденциясига эга ва бу 2015 йилда 2011 йилга нисбатан I-вариант бўйича 17,9 фоизга ва II-вариант бўйича 43,2 фоизга кўпайиши юз бериши мумкин. Шу билан бир вақтда пировард истеъмолга йўналтирилаётган даромаднинг ЯИМдаги улуши I-вариант бўйича 11,9 ва II-вариант бўйича 17,5 фоизга камайиши кузатилади. Бу уй хўжаликларини жамғармага йўналтириладиган маблағларини кўпайишини белгиси ҳисобланади.


Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш (тадбиркорлик) фаолиятида ҳам юқори ўсиш суръати сақланиб қолинади ва бу 2015 йилда 2011 йилга солиштирганда I-вариант бўйича 22,8 фоизга, II-вариант бўйича 68,2 фоизга ошиши мумкин. Ушбу кўрсаткичнинг ЯИМдаги улуши 24,6 фоиз даражасида бўлиши кутилади.

Умуман тренд моделлари асосида ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган прогнозлар уй хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияларини кўрсатиш билан бирга, ушбу соҳадаги ўзаро боғлиқлик қонуниятини ҳам изоҳлашга асос яратиб беради.

Иккинчи ёндашув орқали уй хўжаликлари ривожланиш кўрсаткичлари, унга таъсир этувчи омиллар орқали прогноз қилишган. Бунда уй хўжаликлари жамғармаси билан (y_1) улар ихтиёрида қоладиган ялпи даромад (x_1) ўртасидаги, уй хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестиция ҳажмининг (y_2) эса, уй хўжалиги ялпи даромади (x_1) ҳамда пул жамғармаси ҳажми (x_2) ўртасидаги боғлиқликларни ифодаловчи моделларини тузиш белгилаш орқали прогнозлар амалга оширилди. Натижалар 2-жадвалда берилган.

Танланган эконометрик моделлар таҳлили шуни кўрсатадики, уй хўжаликлари ялпи даромади 1 фоизга ошиши, уларнинг жамғармаларини 17 фоизга кўпайишига олиб келади. Худди шунингдек, уй хўжаликлари

1-расм. Ўзбекистон уй хўжаликлари ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг прогноз вариантлари (тренд модели)



Манба: тренд моделлар асосида олинган прогноз натижалари.

2-жадвал. Ўзбекистон уй хўжаликлари жамғармалари ҳамда асосий капиталга инвестиция қилиш ҳажмининг истиқболда ўзгариши прогнози (омилларнинг ўзаро боғлиқлик моделига мувофиқ)

(млрд. сўм)

Йил	Прогноз қилинаётган кўрсаткичлар					
	Уй хўжаликлари жамғармалари (y_1) $y=605,1+0,17x_1$ $R=0,97; R^2=0,94$		Уй хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестициялари (y_2)			
			уй хўжалиги ялпи даромади (x_1) $y=-641,9+0,007x_1$ $R=0,97; R^2=0,95$		уй хўжалиги пул жамғармаси (x_2) $y=-651,1+0,35x_2$ $R=0,90; R^2=0,81$	
	I вариант	II вариант	I вариант	II вариант	I вариант	II вариант
Ҳақиқатда						
2011	9641,1	9641,1	3357,5	3357,5	3357,5	3357,5
Прогноз						
2012	10739	11762,3	3531,1	4201,5	3191,5	3248,5
2013	12014,5	14864,0	4056,1	5229,4	3612,2	3721,0
2014	13289,7	17631,6	4581,2	6369,0	4041,5	4193,5
2015	14564,8	20670,6	5106,2	7620,4	4452,3	4751,0

Манба: эконометрик моделлар асосида прогноз қилинган.

ялпи даромадининг 1 фоизга ошиши, уларнинг асосий капиталга инвестиция киритишини 0,7 фоизга, ёки уй хўжаликлари жамғармаларининг бир фоизга ошиши эса инвестиция киритиш ҳажмини 35 фоизга кўпайтиради.

Прогноз натижалари кўрсатишича, уй хўжаликлари жамғармалари 2015 йилда I-вариант прогнози бўйича 51,1 фоизга, II-вариант бўйича 114,4 фоизга ошиши мумкин. Ҳажми жиҳатдан ушбу прогноз кўрсаткичлари тренд моделлари билан олинган (2015 йил) прогноз (I-вариант) кўрсаткичларга жуда яқин даражада, II-вариант бўйича эса натижаларда фарқ анча катта.

Уй хўжаликларининг асосий капиталга киритаётган инвестициялари ҳажми прогнозлар натижаларига кўра, уй хўжалиги даромади ошишига боғлиқ бўлган ҳолда 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 52,1 фоизга (I-вариант) ва II- вариант бўйича 126,9 фоизга, уй хўжалиги жамғармасига боғлиқ бўлган ҳолда 2011 йилга солиштирганда I-вариант бўйича 32,6 фоизга, II-вариант бўйича эса 41,5 фоизга ошиши кутилади.

Умуман олганда, иккала услубий ёндашув билан олинган прогнозлар уй хўжаликларининг ўтган йилларда ривожланиш тенденцияларини ўзида намоён этиши билан бирга, уларнинг I-варианти иқтисодиётга инвестициялар киритишнинг ҳамда уй хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги тизимига кўпроқ монанддир. Прогнозлашнинг II-варианти эса иқтисодиётга инвестициялар киритишнинг, айниқса ички инвестицияларнинг ҳамда бозор тузилмаларининг фаол ривожланиши билан боғлиқ жараёнларга мос келади.

Ушбу прогнозлар республика ва унинг ҳудудларида уй хўжаликлари ривожланиши мониторингини олиб борувчи давлат бошқарув органлари, хусусий тадбиркорлар, шунингдек, оила тадбиркорлигига кредитлар берувчи молиявий тузилмалар, шу жумладан, тижорат банклари, уй хўжаликлари билан ҳамкорлик қилувчи инфратузилма ташкилотлари учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда тақдим этилаётган прогноз кўрсаткичларидан 2015 йилгача мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уй хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Бозорбой БЕРКИНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

[1] И.А. Каримов. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

[2] Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. // “Халқ сўзи”. 21 январь 2012 йил.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни



Маълумки, рақобат курашининг кескинлашуви жараёнида ишлаб чиқариш харажатларининг паст бўлишига эришган корхоналаргина бозор шароитида ўз ўринларини сақлаб қолиши мумкин. Ва аксарият ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлган корхоналарнинг рақобатбардошлилиги эса, сўниб бораверади. Бунинг оқибатида, айрим корхоналар ўз фойдаларининг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаб, йирик корхоналарнинг вужудга келишига замин тайёрлади.

Улар эса, ўз ўрнида йирик корхоналар иқтисодий инқирозларга бардош бериш мақсадида картел, трест ва синдикатларга бирлаша бошлашлари мумкин.

Тарихан ишлаб чиқариш кучлари ривожланишида юз берган йирик ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ва капиталнинг марказлашувида муҳим аҳамият касб этади. Янги турдаги машиналарнинг яратилиши, энергетика, технологияда юз берган ижобий ўзгаришлар йирик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантирди. Буларнинг барчаси кичик бизнес аҳамиятини пасайишига олиб келди ва йирик корхоналарнинг афзалликлари, энг аввало, уларнинг техника билан таъминланишида ўз аксини топди.

Фикримизча, XXI аср бошларига қадар йирик корхоналарнинг устун даражада ривожланиши техника-технологияларининг йирик ҳажмда эканлиги ва шу асноda ишлаб чиқаришнинг ҳам кенг кўламда ташкил этишни тақозо этилиши, уларга бўлган нархларнинг юқорилиги эса, кичик корхоналар томонидан техника-технологияларни сотиб олиш имкониятини чеклаб қўйиши билан намоён бўлди. Юқори нархли техника ва технологиялар фақат оммавий ишлаб чиқариш шароитида ўз-ўзини оқлаши натижасида эса, имконияти чекланган корхоналарнинг рақобатбардошлик даражаси пасайиб, уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиб кетиши интеллектуал салоҳиятли мутахассисларнинг йирик корхоналарга интилиши билан изоҳланади.

Йирик корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи Иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада мустаҳкамланди. Хусусан, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияда ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ҳамда трансмиллий корпорацияларнинг ташкил топиши янада жадаллашди. Бунинг энг асосий сабаби, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўринни эгаллашга интилишлари эди. Бу жараён XX асрнинг 70-йиллари ўрталарига қадар давом этди. Шундан сўнг эса, кичик корхоналарнинг миллий иқтисодиётдаги мавқелари аста-секин юксала бошлади.

Маълумки, (XX аср 70-йилларининг охирида) жаҳон иқтисодиётида кучли инқироз юз бериб, у энергетика ва хом ашё инқирозларини қамраб олди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, бу инқирозни кичик бизнес иштирокчилари нисбатан камроқ йўқотишлар билан ўтказдилар. Чунки улар бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезроқ мослаша олиш хусусиятига эга бўлиб чиқдилар.

Кичик бизнеснинг иқтисодий

инқирозларга тез мослаша олишини таъминлаш XX аср сўнгида Осиёда бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган молиявий инқироз натижалари ҳам яққол исботлади. Кичик бизнес иқтисодиётда нисбатан устун ўринга эга бўлган мамлакатлар (Малайзия) инқироздан энг кам зарар билан чиққан бўлса, йирик корхоналарга устуворлик берган мамлакатлар (Жанубий Корея) энг кўп зарар кўрди.

Хўш, бундай ҳолат юз беришининг асосий сабаблари нимада? Нима учун XX аср сўнгида ва XXI аср бошида кичик бизнес субъектлари юқори суръатларда ривожлана борди ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланди?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари кучайиши шароитида мавқеи ошиб боришини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичида истеъмолчилар корхонанинг ҳажми (катта-кичиклиги) билан белгиланувчи миқдорий кўрсаткичлардан кўра, маҳсулот, хизмат, сифат кўрсаткичларини афзал била бошладилар. Бундай шароитда қатъий таркибга эга бўлган йирик корхоналарга қараганда, бозор муҳитига тез мослашувчан кичик корхоналар истеъмолчилар талабларига мос товарларни кўпроқ ишлаб чиқарадилар;

Иккинчидан, фан-техника тараққиётининг янги босқичи ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, кўплаб тармоқларда корхоналар ҳажмини оқилона кичрайтириш, турли хилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлаш билан бирга, кичик корхоналарни уларнинг ҳажмига мувофиқ келувчи техника билан таъминлади. Микропроцессорлар, мини ускуналар, мини ЭҲМлар ва бошқалар ана шундай техникалар жумласидандир. Бунинг асосида эса, бугунги кунда доимо йирик ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган металлургия соҳасида ҳам йирик корхоналар билан бемалол рақобатлаша оладиган кичик бизнесни ташкиллаштириш одатий тусга айланмоқда.

Учинчидан, ҳозирги кунда истеъмолчининг психологияси товар ва хизматларни истеъмол қилишга нисбатан ўзгарди. У бугунги кунда стандарт маҳсулотлар сотиб олишни, бир хил кийим кийишни, бир хил машинада юришни истамайди, яъни талаб кундан-кунга дифференциялашиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди. Шу боис, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналарнинг рақобатчиси, ишлаб чиқариш ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишининг ички бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Бу ўринда Президентимиз И.Каримов "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек "... жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади..."[1]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли қандай кўрсаткичларда ифодаланади? Бу саволга жавоб бериш учун унинг иқтисодиётда тутган ўрнига баҳо беришда, энг аввало, иқтисодий тараққиётучун муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий кўрсаткичларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Бундай кўрсаткичлар жумласига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот, жами иш билан банд бўлганлар, капитал қўйилмалар, экспорт ва бошқалардаги улушини киритиш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатдаги кичик ва хусусий тадбиркорликнинг умумий сони ва ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони ҳам мазкур секторнинг ривожланганлик даражаси тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги вазифаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у юқоридаги миқдорий кўрсаткичлар билан бирга, кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли тўғрисида батафсил маълумот беради.

Қуйидаги 1-жадвалда дунё-

1-жадвал. 2011-2012 йилларда дунёнинг баъзи мамлакатлари иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни

Мамлакатлар	Кичик бизнес иштирокчиларини сони		Кичик бизнеснинг улуши, фоиз ҳисобида	
	минг	Минг киши ҳисобига	Жами иш билан бандлар сони	Ялпи ички маҳсулотда
АҚШ	19300	74,2	54	50-52
Европа Иттифоқи мамлакатлари	15777	45	72	63-67
Буюк Британия	2930	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
Италия	3920	68	73	57-60
Франция	1980	35	54	55-62
Япония	6450	49,6	78	52-55
Россия	836,2	5,6	9,6	10-11
Ўзбекистон	846,2	6,7	76	54

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2012 й.

нинг турли мамлакатлари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-67 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳисобига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 50-52 фоизни, Европа иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-55 фоизни ташкил қилади. МДҲ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан пастдир.

Кичик ва ўрта бизнес бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда кичик бизнеснинг классик мамлакатлари ҳисобланган Япония (78 фоиз) ва Италия (73 фоиз) энг юқори кўрсаткичларга эга. Кичик бизнеснинг жами бандлар сонидаги улуши бўйича Ўзбекистон анча юқори кўрсаткичга эга бўлса, Россияда мазкур кўрсаткич анчайин паст.

Барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг умумий сони жуда катта бўлиб, улар жами корхоналарнинг 95-99 фоизини ташкил қилади. Бироқ, фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик умумий сонидан келиб чиқиб фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари бўйича мулоҳаза юритадиган бўлсак, у ҳолда бу кўрсаткич бўйича АҚШ (74 корхона) етакчи ўринда эканлигининг гувоҳи бўламиз. АҚШда кичик бизнес корхоналари жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарнинг асосий қисми жуда кичик, митти корхоналар бўлиб, оила меҳнатига асосланади. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганларнинг сони 10 кишидан ошмайди.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича кейинги ўринларни Италия (68 корхона) ва Япония (49,6 корхона) эгаллайди. Германияда ҳар минг киши ҳисобига тўғри келадиган



кичик корхоналар сони камлиги (37 корхона) Шарқий ва Ғарбий Германиянинг бирлашиши билан боғлиқ. Маълумки, Шарқий Германияда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кичик бизнес деярли ривожланмади. Ҳозирги пайтда эса Германия ерларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик бизнес иқтисодиётда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдорлар синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир".

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришини амалга оширишидир.

Бугунги кунда кенг ривожланмаган кичик бизнессиз замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. У, бир томондан, қандайдир даражада йирик корхоналар билан рақобатда бўлади. Ва, шу нуқтаи назардан, иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига, мода ва истеъмолчилар диди тез-тез алмашиб туришига, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, кичик бизнес корхоналарининг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қилиши осон, уларни тўлдиради ва мустаҳкамлайди, уларга хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, тармоқ ва ҳудудий монополизмга барҳам бериш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий-техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнеснинг ижтимоий вазифалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес кишиларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик,

ижодкорлик салоҳиятларини намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги боғлиқлик яққол кўриниб туради.

Тарихан, кичик тадбиркорлик товар ва хизматларнинг маҳаллий бозорига йўналтирилган мустақил хўжалик фаолиятидан иборат бўлиб, унинг сармояси чегараланган, мулкдор ва тадбиркорлик бир шахснинг ўзи эди. Бундай субъектлар йирик сармояга тобе эмасди, солиқлар тўларди, давлат кўмагига эҳтиёж сезмасдан, бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишмасди. Бу – мўъжаз кичик ва ўрта тадбиркорликдир. Кейинчалик меҳнат тақсимланишининг чуқурлашгани, сармоя тўпланган ва транспорт хизматлари тобора арзонлашгани сайин йирик фирмалар вужудга келди.

Анъанавий кичик бизнес фаолиятининг соҳалари – товарларни кам миқдорда ва якка тартибда ишлаб чиқариш, чакана савдо, меҳмонхона хўжалиги ва умумий овқатланиш, қурилиш, транспорт, соғлиқни сақлашдир.

Бу – кичик корхоналарнинг биринчи тури, сармоянинг бошланғич тўпланиши ва бозор муносабатларининг қулоч ёйишидаги муҳим бўғиндир. Бундай тадбиркорлик тури ҳозир ҳам кўп тарқалган. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда у ҳудудий хўжалик ҳаётининг фавқулодда муҳим унсурини ташкил этади. Германия ёки Испаниянинг кичикроқ шаҳарчасида одатда новвойхона, гўшт маҳсулотларини чиқарувчи фирма, ресторанли меҳмонхона, 4 та таксига мўлжалланган гараж хўжайини бўлади. Уларнинг барчаси амалда мустақил корхоналар бўлиб, маҳаллий бозорни назорат қилишга ва бошқа шаҳарлик йирик ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашишга қодир.

Бундай турдаги кичик корхоналар ишини маҳаллий табиий шароитлар (деҳқончилик маҳсулотларининг, табиий ашёларнинг маҳаллий турлари), истеъмолчилар талаби, анъанавий ихтисослашганлик кафолатлайди. Тадбиркорликнинг мазкур тури доимо ривожланаверади. Йирик ишлаб чиқарувчилар уларни бозордан суриб чиқара олмайдилар, чунки захиралар ва талаб маҳаллий ва кўпинча ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар оммавий ишлаб чиқаришга имкон яратмайди. Бу турдаги корхоналар ривожининг истиқболи маҳаллий аҳолининг харид қилиш қобилияти ўсишига, туризмнинг ривожланишига боғлиқ ва у солиқлар туфайли бир меъёрда ушлаб турилади. Минтақа аҳолиси эҳтиёжлари таркибида ўзгаришлар юз берган сари, маҳаллий кичик бизнес таркиби ҳам ўзгариб боради. Кичик бизнес ушбу гуруҳининг ўзига хос жиҳатлари иш негизида тўпланган оилавий сармоя, биринчи навбатда, маҳаллий бозорларга тобелик, сармояни фаолиятнинг бошқа турлари ёки минтақаларга силжишига мойиллик йўқлигидан иборатдир.

Маҳаллий (анъанавий) кичик тадбиркорликнинг яна бир муаммоси – авлодлар ворислигининг бузилишидир. Новвойхонанинг энг яхши эгаси ота касбини тутган новвой бўла олади; пойабзал комбинатининг ҳар бир собиқ ходими ҳам, ҳатто пули ва маълумоти ҳақида тегишли дипломга эга бўлса ҳам, пойабзал ишлаб чиқарадиган кичикроқ фабрикани очавермайди. Бундай ворислик кўпроқ Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларида сақланиб қолган.

Кичик бизнеснинг иккинчи, энг оммавий тури – бу йирик корхоналар учун бутловчи қисмлар ва хизматларни етказиб беришдир. Маълумки, энг йирик электротехника, электрон, автомобиль монополияларининг юз минглаб таъминотчилари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик фирмаларидан иборатдир. Бундан ташқари, дунёдаги миллионлаб кичик компаниялар турли йўналишларда хизмат кўрсатади. Кичик тадбиркорликнинг мазкур тури нафақат иқтисодиётнинг мўътадиллиги учун зарур, балки ишлаб чиқариш ўсиши, меҳнатнинг тақсимланиши ва фан-техника тараққий этиши баробарида ҳам унинг миқёси кенгаяверади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос жиҳатлари уларни молиявий барқарорлик, маҳаллий бозор ва таъминотчиларни кўзлаб иш тутишидан иборатдир. Буларнинг барчаси кафолатланган, чунки таъминотчилар, кўпинча харидорлар ҳам шу корхоналарнинг эгаларидир. Ширкат корхоналарининг кичик ва ўрта бизнесдаги улуши ортишини кутмаса ҳам бўлаверади. Чунки, ривожланган мамлакатларда бу корхоналар ўз бўшлиғини тўлдириб бўлган.

Кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришни йўналишларидан бири, мазкур соҳага давлат томонидан катта имтиёзлар яратишдир. Бундай ҳолат ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Бундан мақсад – сармояни кенгайтирилган ҳолда такрор ишлаб чиқариш эмас, балки фақат камроқ солиқ тўлашдир. Имтиёзлардан фойдаланиш учун сармоя киритиш, ходимларни ишга олиш ва сотув бозорларини излаш шарт эмас. Мавжуд компанияни йириклаштириб, ундан ҳуқуқий равишда энг фойда бераётган бўлинмаларни ажратиб олиб, кичик ва хусусий тадбиркорлик каби рўйхатдан ўтказишнинг ўзи кифоя. Натижада даромад янги фирмалар орасида тақсимланиб, тўла ёки қисман солиққа тортилишдан озод этилади. Кичик корхона асосий сармоянинг тезкор амортизациясидан фойдаланиб қолади, бу эса йирик корхона учун тақиқланган.

Пировардида давлат иқтисодий сиёсатининг расмий мақсадларига эришилади: кичик бизнес субъектлари сони кўпаяди. Қайта рўйхатдан ўтказиш ҳисобига уларнинг умумий асосий жамғармалари кўпаяди, бандлилик ва баланс даромадлари ортади.

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим вазифаси шундан иборатки, у ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – аёллар, ногиронлар, пенсионерларни иш билан таъминлаш билан биргаликда, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни ўз кичик бизнесини яратган ҳолда яшаш тарзини юксак даражага кўтариш, ёш мутахассисларни ишлаб чиқариш тажрибаси ортишига шароит яратади. Бу ўринда Президентимиз "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида "...Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман"[2] деб таъкидлаган эди.

Иқтисоднинг бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиши жараёнида кичик ва ўрта бизнеснинг тараққиёти муҳим аҳамият касб этади. Айнан, катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларининг ўсиш тезлигини кафолатловчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатсиз ечишга, ички бозорни, молиявий ресурслар чегараланган бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирдир.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий этиши кўп устуворликларга эга, яъни:

– жамиятда сиёсий мўътадилликни кафолатловчи бош гарант – ўрта синфини шаклланишида;

– турли ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини силлиқлаб турувчи иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини ўсишида;

– фаол ва тадбиркор шахсларни рағбатлантириш ва улар номзодини юқори лавозимларга кўтаришда;

– нисбатан кам маблағ харжлаб, янги иш ўринларини яратишда;

– технологик, техник ва ташкилий янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда;

– эркин рақобат муҳитини юзага келтиришда;

– моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни сафарбар этишда, (акс ҳолда улар талаб этилмай қолиб кетади) шунингдек, улардан янада самаралироқ фойдаланишда;

– иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилашда.

Булардан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим манбадир.

Ғ.Н.БАБАХОДЖАЕВ,
и.ф.н., ТошТЙМИ доценти.
А.З.ИСРОИЛОВ,
ТошТЙМИ ассистенти.

[1] И.А.Каримов. "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. Т: "Халқ сўзи" газетаси, 15.09. 2012 й.

Банк ликвидлигини бошқариш усуллари ва уларга хос бўлган хусусиятлар

ХАР БИР БАНК ЎЗИНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ БОШҚАРИШИ УЧУН МУАЙЯН БИР МУАММОГА ДУЧ КЕЛАДИ ВА БУ МУАММОНИ ЕЧИШДА ҚУЛАЙ ЙЎЛНИ ТОПИШИГА ЗАРУРИЯТ ТУҒИЛАДИ.

Ликвидликни бошқариш ўзида муайян бир мақсадга эришиш (максимал фойда олиш, пул оқимининг мувозанатини сақлаш) га қаратилган объектнинг (пул оқими таркиби) ликвидлигини бошқаришда субъектнинг таъсир кўрсатиш жараёнини акс эттиради. Банк амалиётида субъектнинг объектга бевосита таъсиридан юзага келадиган муаммони ечишга қаратилган қулай йўллардан бири – *бошқариш усулларидир*. Маълумки, банк ликвидлигини бошқариш муайян бир усулларга таянади. Бошқариш тизимининг асосий элементларидан бири ахборот таъминоти бўлиб, у ўзига энг қулай бўлган бошқариш усулини танлашни тақозо этади. Банкда ликвидликнинг ҳолати ва ликвидликка таъсир қилувчи факторларни таҳлил қилишда банк менежментининг ахборот таъминотининг ўрни катта. Демак, банкнинг ликвидлигини таъминлаш усулларини биз ликвидликни таъминлашда адекват усуллар ёрдамида ахборотларни тўплаш ва уларни қайта ишлашни тушунамиз.

Иқтисодий ўқув адабиётларида банк ликвидлигини бошқаришда турли хил усуллар келтирилган, хусусан, банк ликвидлигини стратегик ва оператив бошқариш, маблағларнинг умумий жамғармаси, активларни тақсимлаш, умумий жамғарма манбаларини тақсимлаш, ГЭП-таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, VAR-таҳлил усули ва бошқа шу каби усуллардир. Уларнинг устунлик ва камчиликларини таҳлил қилиш пировардида ўзимиз учун қулай бўлган усулларни танлашга имконият яратади.

Банк ликвидлигини бошқаришда *стратегик бошқариш билан оператив бошқариш усули*дан кенг фойдаланилади. Стратегик бошқариш банк фаолиятининг стратегиясини ва келгусида банк ликвидлигини таъминлашга қаратилган бошқаришдир. Стратегик бошқариш усули активларни бошқариш усули, деб ҳам юритилади. Бу усул банкнинг фойдалилик даражаси билан унинг ликвидлик даражаси ўртасидаги мутаносибликка қаратилган. У банк ликвидлигини стратегик бошқаришга таянади, банк ишини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, оператив бошқариш эса, банкнинг кундалик ликвидлик даражасини таъминлайди. Банк ликвидлигини оператив бошқаришда молиявий оқимларнинг кирими ва чиқимини прогнозлашга асосланган усуллар мавжуд. Бу усуллар ёрдамида муайян вақт ичида банкка нақд ва нақдсиз пулларининг кирими таққосланади. Бундан асосий мақсад ликвидли маблағларнинг ортиқчалиги ёки камлигининг қамрови аниқланади. Ликвидли маблағларнинг ортиқчалиги актив операцияларини амалга ошириш сонининг кўпайишига, кейинги кунлар учун банк мажбуриятларини бажаришда захиранинг шакланишига ёрдам беради.

Активларни бошқаришда альтернатив баҳолашнинг миқдорий таҳлилларидан кенг фойдаланилади. Активларни бошқариш усулларига маблағларнинг умумий жамғармаси, активларнинг тақсимланиши, илмий бошқариш ва таҳлил усуллари киради.

Маблағларнинг умумий жамғармаси усули асосида банк ресурсларини жалб қилиш ва активларнинг таркиби бўйича тақсимлаш жараёни ётади. Банкнинг хусусий капитали таркибига кирадиган банк ресурслари уларнинг манбаларидан қатъи назар умумий жамғармага жалб қилинади. Активларнинг таркиби (нақд пуллар, қимматли қоғозлар, ссудалар ва бошқа шу кабилар) бўйича маблағларнинг қандай тақсимланиш мутаносиблигини банк раҳбари белгилайди. Маблағларнинг умумий жамғармасини шакллантириш учун пул маблағларининг қайси манбадан келиб тушишининг аҳамияти йўқ. Бу усул банк ликвидлиги билан фойдалилик тамойилларини раҳбар томонидан баб-баравар назорат қилишни тақозо этади.

Умумий жамғарма маблағларининг жойлашуви бирламчи ва иккиламчи захиралар орқали шакллантирилади. Бирламчи захиралар – мижознинг зудлик билан омонатини тўлаш зарурияти туғилганда ишлатиладиган банк ликвидлигининг асосий манбаидир. Одатда уни кассадаги нақд пуллар, Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлардаги маблағлар ташкил этади. Иккиламчи захиралар – кам даромад келтирадиган ва қисқа муддат ичида пул маблағларига айлантириладиган банк ликвидлигининг манбаи ҳисобланади. Одатда унга ликвидли қимматли қоғозлар киради. Иккиламчи захираларнинг миқдори банкнинг ресурс базасига боғлиқ. Банкда омонатлар суммаси қанчалик тез ўзгарса, шунчалик иккиламчи захиранинг манбаи талаб этилади. Бирламчи ва иккиламчи захиралар учун жалб қилинган маблағлар ҳисобидан муайян фоиз белгиланади. Бунда маблағлар манбаининг миқдори аниқланади ва улар кредитлашга йўналтирилиши

мумкин. Кредитлар кўпроқ банк активларининг даромад қисмини ташкил қилади, аммо уларнинг ликвидлиги камроқ бўлиши мумкин. Кредит берилгандан сўнг қоладиган маблағлар ликвидли қимматли қоғозлар бўлиши мумкин. Улар қўшимча даромад келтиради ва иккиламчи қўшимча захиралар сифатида хизмат қилади.

Бу усулнинг асосий устунлиги у раҳбарият томонидан қарорлар қабул қилишда қўлланилади. Аммо у камчиликлардан ҳам холи эмас, яъни активларнинг сўндирилиш муддати бўйича фарқнинг мавжуд эмаслиги ва уларнинг пассивлар билан алоқасининг йўқлигидир. Бу усул жамғармани тақсимлаш билан активлар ўртасидаги нисбатни асослаб бермайди. Бу нисбат эмпирик (тажриба) асосда жойлашишни талаб этади.

Активларни тақсимлаш усули банк учун ликвидли маблағлар миқдорининг жалб қилинган маблағлар манбаи билан боғлиқлигини белгилайди. Банк раҳбари доимий тарзда маблағларнинг қайси депозитга дахлдорлигини ва уларнинг қайси депозитда жойлашганини аниқлаб боради. Талаб қилиб олингунча омонатлар ҳар қандай вазиятда ҳам олиб қўйилиши мумкинлиги маълум. Талаб қилиб олингунча депозитдаги маблағларнинг катта қисми биринчи захирага, қолган қисми давлат қисқа муддатли қимматли қоғозларини инвестициялаш, ссуда бериш каби иккиламчи захирага жойлаштирилиши тақозо этилади. Улар асосий фондлар билан қимматли қоғозларнинг турлари сифатида жойлаштирилмайди. Жамғарма ва муддатли омонатларнинг депозитларда ликвидликка талаби камроқ, шунинг учун депозитдаги маблағларнинг катта қисми ссудаларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши мумкин. Асосий капитал ликвидли активларни қоплашни талаб этмайди, балки улар асосий фондлар сифатида ишлатилади, қолган маблағлар юқори даромад кутилаётганда узоқ муддатли кредитларга ва ликвидли қимматли қоғозларни жойлаштиришга йўналтирилади.

Активларни тақсимлаш усулини банкда қўллашдан асосий мақсад – улардан фойдаланиш натижасида олинадиган юқори самаралар кўриш, зарарсиз ишлаш ва келгусидаги фаолиятнинг ривожланишини таъминлашдан иборат. Юқори ликвидли активларнинг миқдорини кўпайтириш, паст даромадли активлар миқдорини камайтириш, банк ресурсларини даромадли ссудаларга ва инвестицияларга қўшимча жалб қилиш банкка юқори даромад олиб келади.

Активларни тақсимлаш таркиби маблағларнинг манбаларга боғлиқ. Германияда кредит иши тўғрисидаги қонунда узоқ муддатли кредитлар ва омонат-ларни узоқ муддатга қайта молиялаштирилиши белгилаб қўйилган. Бунда жамғарма омонатлари 60 фоизи миқдорда, талаб қилиб олингунча омонатлар билан муддатли омонатлар 10 фоизи миқдорда белгиланган бўлиб, улар узоқ муддатли маблағлар сифатида қаралади. Бу *усулнинг устунлиги* юқори ликвидли активларнинг улуши билан кам даромадли активлар улушининг камайишига эришишга ва бир вақтнинг ўзида ссудалар билан инвестицияларга қўшимча маблағларнинг жойлаштирилиши натижасида банк фойдасининг кўпайишига кўмаклашади. Бу *усулнинг камчилиги* эса омонат турлари муомаласининг тезлиги билан омонатлар умумий суммасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаслигини кўрсатиб беради. Бунда битта мижоз ўзининг пулни депозитдан олиб қўяди, бошқаси эса, ўзининг пулини банкка жойлаштиради, натижада талаб қилиб олингунча омонат қолдиқлари йил давомида 10 фоизгача миқдорда ўзгариб туради. Талаб қилиб олингунча омонат маблағларининг муайян бир қисми узоқ муддатли юқори ликвидли қимматли қоғозларни инвестициялашга йўналтирилиши ҳам мумкин. Бу усулнинг яна бир камчилиги маблағлардан фойдаланиш йўли билан маблағлар манбасини ҳам талаб этади. Жаҳон банк амалиёти шуни кўрсатадики, банк ҳам омонатчиларнинг муайян бир қисмидан уларнинг омонатларини беролмасдан қарздор бўлиб қолиш ҳолатлари учрайди. Янги омонатнинг муайян бир қисми омонат эгаларини кредитлашга йўналтирган бўлиши мумкин, бунда у молиявий пирамидаларни шакллантиришга асос бўлади.

Умумий жамғарма манбаларини тақсимлаш усули жалб қилинган маблағлар манбаининг активларнинг сўндирилиш муддати билан боғлиқлигини, юқори ликвидли активлар доимий манбаларга нисбатан кўпроқ жойлаштирилиши лозимлигини белгилаб беради. Бу усулнинг афзаллиги муддат бўйича активлар билан пассивларнинг тақсимланиши ҳисобидан фоизли хатарни минималлаштиришни талаб этади. У банкнинг ликвидлигини бошқаришни осонлаштиради ва барча замонавий банкларда кенг қўлланилади. Маблағларнинг ягона жамғарма усули билан таққосланганда у анчагина сермеҳнатни талаб қилади. Бу усулнинг асосий камчилиги фаолиятни таҳлил қилишда кўпроқ меҳнат талаб этади ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш учун етарли даражада мураккаб бўлиши мумкин.

Банк ликвидлигини бошқаришда *ГЭП-таҳлил усули*дан фойдаланилади. Бу усулдаги мавжуд имкониятлар хорижий олимларнинг илмий ишларида ёритиб берилган. Унда фоизли хатарни бошқариш, ликвидлик хатари билан фоизли хатарнинг ўзаро боғлиқлиги эътироф этилган. Фоизли хатар – бу жалб қилинган маблағларнинг ўртача фоиз ставкасидан актив операцияларга белгиланган ўртача фоиз ставкасининг оширилишидир.

Мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг юксалиши натижасида узоқ муддат-ли кредитлашга бўлган талаб кескин ошмоқда, банкларда эса, узоқ муддатли

банк ресурсларининг камчилиги кузатилмоқда. Кўпгина банкларда онгли равишда муддат бўйича активлар билан пассивларнинг номутаносиблиги ва бир вақтнинг ўзида фоизли хатар ҳам юзага келмоқда. Фоизли хатарни таҳлил қилиш усулини ликвидликни бошқаришнинг элементи сифатида қараш лозим.

Банк ликвидлигини бошқаришда *нолли ГЭП стратегияси* билан *нолли ГЭП нинг фаол стратегияси*дан фойдаланамиз. *Нолли ГЭП стратегияси* активлар билан пассивлар учун белгиланган фоиз ставкалари ўзаро тенглашганда банкнинг маржаси фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ бўлмай қолади. Бу усул билан бозорда фоиз ставкасининг ўзгаришини аниқлашга имконият бўлмайди ва натижада банк раҳбари ўзида фоизли хатарнинг бўлишини истамайди. Мажбуриятлар бўйича пул оқимларининг чиқими билан активлар бўйича пул оқимлари кириминиг параметрларини таққослаш юзага келганда идеал ҳолат қабул қилинади. Активларнинг таркибий портфели "садоқатли портфел" деб юритилади. "Садоқатли портфел"ни шакллантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Амалиётда кўпгина ҳолларда бундай портфелни шакллантириш мумкин эмас. *Нолли ГЭПнинг фаол стратегияси* активлар билан пассивларнинг номутаносиблигини белгилаб беради. Бунда фоиз ставкасининг ўзгариши активлар билан пассивлар ўртасидаги ижобий ёки салбий ҳолатларни юзага келтиради. Фоиз ставкасининг ўзгариши банкнинг маржаси (фойдаси)га ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. ГЭП билан банкнинг молиявий натижалари бўйича алоқадорлиги шундаки, ГЭП ижобий ҳолатда бўлганда фоиз ставкаси ва банк маржаси кўпаяди ёки камаяди, ГЭП салбий ҳолатда бўлганда фоиз ставкаси кўпаяди, банк маржаси эса камайиб, фоиз ставкаси эса кўпаяди.

Одатда фоизли хатарни бошқаришга банкнинг фойдалилик билан ликвидлик хатарини минималлаштириш масаласи ҳам киради. Ликвидлик хатари фоизли хатар билан ўзаро боғлиқ, хусусан, хатарли активлар кам ликвидли бўлганда банк активларини сотиши мумкин эмас. Банк мажбуриятларининг муддати фоиз ставкаси-нинг ўзгаришига таъсир кўрсатади ва ликвидлик хатари билан фоизли хатар бир-бирига мос келади. Ликвидлик хатари активлар билан молия бозорининг ҳолатига боғлиқ равишда ўзгаради. Бу хатарни ликвидли активларнинг портфелини шакллантириш орқали минималлаштириш мумкин, аммо у даромадлиликни ўз ичига олади. ГЭП – таҳлили банк ликвидлигини бошқаришнинг самарали усули сифатида жорий этилмоқда. Россия Федерациясининг банк амалиётида маржали ГЭП билан кумулятив ГЭПлардан фойдаланилмоқда. *Маржали ГЭП* қисқа вақт оралиғидаги активлар билан пассивлар ўртасидаги фарқни ва маблағларнинг камлиги ёки ортиқчалигини аниқлайди. *Кумулятив ГЭП* эса узоқ вақт оралиғидаги маржали ГЭПнинг суммасини аниқлайди.

Статик ГЭП активларнинг мажбуриятларга бўлган нисбати билан аниқлана-ди. Статик ГЭП банк мажбуриятларини таҳлил қилиш учун мўлжалланади. *Динамик ГЭП* муайян вақт ичида активлар билан пассивларни сўндириш прогнозини аниқлаб беради. Динамик ГЭП эксперт баҳолашга асосланади, жумладан, банк фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган айрим мижозлар фаолиятининг келажаги тўғрисидаги ахборотлар; мижозлар хулқига айрим ҳодисаларнинг таъсир кўрсатиши; кредитлар ва депозитларнинг муддатини узайтириш тўғрисида мижоз билан келишиш; молиявий бозорнинг ҳолатини таҳлил қилиш кабилар. Динамик ГЭП фоизли хатар билан ликвидлик хатарини аниқ баҳолашни талаб этади. Натижада банк раҳбари ликвидлик хатарини мақсадга эришгунга қадар мувофиқлаштириши учун модель ишлаб чиқади. Аммо ГЭП-таҳлилнинг бир қатор афзалликлари билан бирга, бир қанча камчиликлари ҳам мавжуд, жумладан, қисқа вақт ичида позицияни қоплаш санасига фарқни ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас; айрим диапозоннинг ички томонларини қайта инвестициялаш билан боғлиқ бўлган пул оқимлари, фоиз олиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган пул оқимлари ҳисобга олинмайди; конкрет вақт ичида пул оқимларини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган катта сермеҳнатлик талаб этади. ГЭП-таҳлили банк ликвидлигини таҳлил қилишда уни муайян вақт оралиғида қўллаш учун етарли эмас. ГЭП-таҳлилдан бир ой олдин ундан муваффақиятли фойдаланиш имконияти мавжуд. Бошқа усулларда ГЭП-таҳлилдан фойдаланиш банк ликвидлигини бошқаришда таҳлил қилиш учун қўллаш имконияти бор.

Илмий бошқариш усули иқтисодий-математик усулларнинг банк ликвидлигига қўлланилиши билан ўзаро боғлиқ, яъни банк ликвидлигини бошқариш муаммосини ечиш усули сифатида иқтисодий-математик модель тузилади. Хусусан, **f(x)** функция қўйилган масаланинг мақсадли функцияси, **c** ва **b -** мақсадли ва чегаравий векторлар, x вектор режали вектор деб қаралади. Банкнинг фойдасини максимал миқдорга етказиш **f(x)** функция ёрдамида аниқланади, **b -** чегаравий вектор, ёрдамида банкнинг фойдалилик даражаси аниқланади, **c** - мақсадли вектор эса актив операцияларининг таркибидан олинадиган даромад, **x** – ўзгарувчи мавжуд банк ресурсларининг умумий ҳажми. Банк қўйилмалари таркибининг чегараси бирламчи захира – 14 фоиз, иккиламчи захира – 21 фоиз ва шу каби миқдор билан белгилансин. Қўйилган масалани ечишда чизиқли дастурлаштириш ёрдамида активларнинг таркибига қанча миқдорда банк ресурсларни жойлаштириш ёки уларни тақсимлаш, банк фойдасини максимал миқдорга етказиш каби жа-

раёнлар акс эттирилади. Ижобий натижаларни олиш учун чизиқли дастурлаштириш ёрдамида бир неча марта циклли ҳисоблаш амалга оширилади.

Банк активларини илмий бошқариш усулидан кенг қамровда фойдаланиш банкка кўзга кўринадиган *устунлик*ни беради. Ишлаб чиқилган моделлардан мақсадга мувофиқ даражада фойдаланиш банк раҳбари учун қўйилган масаланинг ечилиш натижаларини беради. Яратилган модель орқали иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришига нисбатан қўйилган масаланинг ечимини текшириш учун фойдаланилади. Уларнинг устунликларидан бири банк раҳбари томонидан яратилган моделлар танлаб олинади ва қўйилган масаланинг мақсадини аниқлаб олади.

Банк активларини илмий бошқариш усулидан фойдаланишнинг асосий *камчилиги* банк ходимлари бу усулдан фойдаланишга тайёр бўлишларини талаб этади, аммо бугунги кунда банк ходимларининг бу усулдан фойдаланишлари учун тайёр бўлмаганлиги сабабли моделлар қўлланилмайди. Кўриб чиқилган усулнинг қўлланилиши банк ликвидлиги бўйича муаммони тўғри ечишга олиб келади, аммо моделларни танлаб олишдаги асосий камчилик бу догматизмдир.

Пул оқимларни бошқаришга қаратилган усуллардан бири *кредит позициясини бошқариш усули* бўлиб, у банк ресурсларини шакллантириш, уларни активларга жойлаштириш ва қайтадан яна активларга жойлаштириш, муддати келганда ресурсларни эгаларига қайтариб бериш жараёнларини ўз ичига олади. Бу усулнинг асосий афзаллиги унинг банк амалиётида жорий этилиши осон кечади. Аммо банк амалиётида ўзининг камчиликларига ҳам эга. Масалан, қарздорга ажратилган кредитни сўндириш пайтида муддатини узайтириш зарурияти юзага келганда бу масалани банк рад этса, банк билан мижоз ўртасидаги муносабат ёмонлашишига олиб келиши ёки кредитнинг муддатини узайтириш тўғрисида келишув тузилиши мумкин. Кредитни қайтариш бўйича режалаштириш, регрессион анализ асосида уни прогнозлашнинг имкони йўқ ва бундай ҳолларда хатога йўл қўйилади.

Банк амалиётида барча усуллар ичидан *коэффициентлар усули* энг яхши усул, деб тан олинган. Бу усул орқали банк ўзининг мажбуриятларига нисбатан ликвидли активларнинг миқдорини мустаҳкамлашга имконият туғилади. П.Роуз банк ликвид-лиги бўйича қуйидаги коэффициентларни банк амалиётига жорий этди: 1) пул позицияси кўрсаткичи (пул маблағлари билан омонатларнинг умумий активларга бўлган нисбати); 2) ликвидли қимматли қоғозлар кўрсаткичи (давлат қимматли қоғозларининг умумий активларга бўлган нисбати, яъни бунда сотиладиган қимматли қоғозларнинг мажбуриятлар умумий суммасига бўлган нисбати); 3) Федерал захира фондларининг нетто-позицияси (жалб қилинган банклараро кредит қолдиқларининг активлар умумий суммасига бўлган нисбати); 4) маблағлар қувватидан фойдаланиш коэффициенти (хусусий кредитлар билан ижарага берилган активларнинг умумий активларга бўлган нисбати); 5) гаровга қўйилган қимматли қоғозлар улуши (гаровга қўйилган қимматли қоғозлар суммасининг банк қимматли қоғозлар портфели умумий суммасига бўлган нисбати); 6) "қайноқ пуллар" улуши (пулли активларнинг пулли мажбуриятларга бўлган нисбати, бунда пулли активларга нақд пуллар, қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари, банклараро кредитлар, РЕПО операцияси бўйича пул маблағлари, пулли мажбуриятларга эса евровалютадаги депозитлар, жалб қилинган банклараро кредитлар, РЕПОнинг тескари операциялари бўйича жалб қилинган маблағлари киради); 7) қисқа муддат-ли инвестицияларнинг мажбуриятларга бўлган нисбати, қисқа муддатли инвести-цияларга қисқа муддатли банклараро кредитлар киради); 8) брокер депозитлари кўрсаткичи (брокер депозитларининг умумий депозитлар суммасига бўлган нисбати, бунда брокер депозитлари фоизли ставкага нисбатан таъсирчан бўлади); 9) асосий депозитлар улуши (асосий депозитларнинг умумий активларга бўлган нисбати); 10) омонатларнинг таркибий нисбати (талаб қилиб олингунча деозитларнинг муддатли депозитларнинг умумий суммасига бўлган нисбати).

Дастлабки таъкидланган бешта кўрсаткич банк ликвидлигининг ҳар хил даражадаги активлари, қолган кўрсаткичлари сотиб олинган ликвидликка мансуб.

VAR-таҳлил усули банк портфели қийматининг максимал камайиши, банкда молиявий аҳволнинг ёмонлашувини баҳолаш, бозор инструментларининг баҳоси бўйича салбий сценарияни прогноз қилиш каби жараённи аниқлаб беради. Якуний натижада потенциал йўқотишлар аниқланиб, банк бизнесининг қиймати аниқланади. Бу усул фақат ликвидлик даражаси орқали ликвидли бозорларни таҳлил қилиш учун қўлланилади ва менежер учун аниқ вақт ичида банкнинг ликвидлигини бошқариш бўйича аниқ бир тавсия бермайди. У банкнинг молиявий аҳволини баҳолашга ва ликвидликни бошқаришда стратегик тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришнинг адекват усуллари ёрдамида ахборотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш орқали субъектнинг объектга бевосита таъсиридан юзага келадиган муаммони ечишга қаратилган асосий мақсадга эришиши ва қулай йўлларни топиш учун имконият яратади.

Алтинбек АБДУЛЛАЕВ,
доцент, иқтисод фанлари номзоди.

Тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини ошириш омиллари



ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА, КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ БИЛАН БИРГА МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ ЕЧИМИНИ ТОПИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭКАНЛИГИГА АМИН БЎЛДИК.

Айрим соҳага оид олимлар ўртасида кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи асосий ҳолат бу – мажбурият ижросини иккиламчи манба предметлари асосида тўғри расмийлаштирмасликдир, дея таъминланувчилар ҳам учраб туради. Улар кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш учун кредитлаш тартибларига янада қаттиқроқ қоидаларни киритиш, жумладан, мажбурият ижросини таъминлашнинг ўзини оқламаган, деб кўрсатилаётган таъминотнинг айрим шаклларидан воз кечиш, таъминотга амалдаги қонунчиликда белгиланган таъминот шаклларидан фақатгина гаров шаклидан фойдаланишни тавсия этадилар.

Айни пайтда кредит муносабатлари самарадорлиги мажбурият ижросини таъминлашнинг иккиламчи манбалари объектини расмийлаштириш тадбирларига боғлиқ дея, кредитлаш жараёнларида асосий эътиборни мажбурият ижросини расмийлаштиришга қаратувчилар сони банк ходимлари ўртасида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ваҳоланки, кредит самарадорлиги унинг ўз вақтида қай йўл билан бўлса ҳам қайтарилиши билан эмас, балки умуминсоний фаолият ҳамда унинг шахсий инсон омилига хизмат қилувчи тизим субъектларининг биргаликда ўзаро тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида ўз олдиларига қўйган мақсадларига муваффақиятли эришиб, иқтисодий ўсиш учун замин яратилганлиги билан баҳоланади. Яъни, кредит самарадорлиги – "Жамиятнинг айни пайтдаги ва келажакдаги эҳтиёжини қондирувчи умуминсоний фаолият узвийлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишга замин яратиш учун вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабат объектининг иштирокчилар фаолиятида унумли фойдаланилиб, жамият тараққиёти учун қўшимча қиймат яратиб, пировард натижада муваффақиятли якунланиши ёки соддароқ қилиб айтганда, кредит самарадорлиги – умуминсоний фаолият ҳамда унинг шахсий инсоний омилига хизмат қилувчи тизим субъектларининг кредит муносабати асосида ўзаро алоқа ва боғлиқликда узвий фаолият юритган ҳолда ўз олдиларига қўйган мақсадларига муваффақиятли эришиб, иқтисодий ўсиш учун замин яратилиши даражасидир"[1].

Тўғри, кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашнинг иккиламчи манбаи объектларини тўғри ва мукаммал расмийлаштириш кредитлаш жараёнида муҳим ҳисобланади. Лекин, фикримизча, мажбурият ижросини таъминловчи чора-тадбирларнинг иккиламчи манбаи кредит муносабатларида кредит самарадорлигини таъминлашнинг асосий манбаи, деб қаралмаслиги керак. Чунки, кредит самарадорлигини таъминлашда қарздор фаолиятидаги ишлаб чиқариш ва маблағлар айланишидаги узвийлик, яъни молиявий имкониятлари муҳим роль ўйнашини унутмаслигимиз лозим.

Фикримизча, кредит муносабатлари самарадорлиги муносабат жараёнида келиб чиқувчи мажбурият ижросини таъминлашнинг у ёки бу шаклини расмийлаштириш билангина эмас, балки кредит муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат қоидаларига ходимларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий са-

водхонлик нуқтаи назардан амал қилишига, шунингдек, кредитлашда ҳудудий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда нисбатан енгил ва лекин муносабат самарасини таъминловчи тартиблар ишлаб чиқилишига ҳам боғлиқ эканлигига эътибор қаратиш зарур.

Илмий-тадқиқот натижаларига асосланиб, инфратузилманинг хизмат кўрсатиш соҳа субъекти банклар фаолиятида кредит амалиётлари самарадорлигининг пасайиб боришига қуйидаги ҳолатлар таъсири натижаси, деган фикрга келдик:

1. Мижозларнинг тармоқлараро хусусиятига қараб кредитлашнинг шакл ва усулларини татбиқ этишда, шунингдек, қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банк ходимининг малака ва тажрибасининг етишмаслиги. Бу омил кредит самарадорлигига салбий таъсир этувчи бош омиллардан ҳисобланади. Чунки, хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит ҳужжатлар йиғмажилди доимо қўшимча назорат қилишни талаб этади. Лекин хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг айрим ҳудудий банк бўлимларида етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ёш ходимлар хулосаси асосида кредитларнинг молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит берилишига олиб келиши кузатилмоқда.

Банклар фаолиятида кредитлашнинг тармоқлараро хусусиятига қараб кредитлашнинг шакл ва усуллари бир-биридан фарқ қилиши ва бу фарқланишлар асосида иш юритиш учун банкларда малакали кадрлар масаласини ҳал этиши зарур. Масалан, кредит амалиётлари қандай шакл ва усулларда амалга оширилмасин, кредитлашнинг таъминланганлик, тўловлилик, муддатлилик, мақсадлилик ва ниҳоят қайтарилиш тамойиллари асосида амалга оширилади, лекин амалга оширилиши жиҳатидан бир хил тамойилга эга бўлсада, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз сабабчиси, деб ҳисобланаётган кредитлашнинг "Ипотека" шакли хусусиятига қараб кредитлашнинг бошқа шакл ва усулларидан анча фарқ қилади.

Кредитлашнинг бундай шакли (ипотека) билан иш юритишда банк ходимидан иқтисодиётга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни мукаммал билишдан ташқари, ҳуқуқий ва техник билимга эга бўлиши ҳам талаб этилади.

Маълумки, амалиётда "Ипотека" кредити уй-жой ёки бинони реконструкция қилиш, тугалланмаган қурилишни тугаллаш харажатларини қоплаш учун ҳам берилади. Бундай ҳолларда банк ходими кредит объектига нисбатан ЛСҲ (лойиҳа смета ҳужжатлари)ни техник жиҳатдан таҳлил этиш, реконструкция қилинаётган бино таннархини чиқариш, реконструкция қилинган бино қисмидан олинган қурилишга яроқли материаллар миқдорини ҳамда кредит маблағига бўлган эҳтиёж миқдорини аниқлаш каби масалаларни ҳал этиши лозим.

Тадқиқот жараёнида, бу талаблар на хорижий банклар фаолиятида ва на миллий банкларимизнинг айримлари фаолиятида амалга оширилмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Чунки, "Ипотека" кредитини расмийлаштиришдаги мазкур талабларни бажариш учун махсус билим ва малакага эга бўлиш лозим.

Демак, банкларда кредитлашнинг тармоқ хусусиятига қараб кредитлашда қўлланилаётган кредит шакл ва турларига, жумладан, кредитлашнинг "Ипотека" шаклининг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатларини таҳлил эта оладиган даражадаги малакали мутахассис кадрларни тайёрлаб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун фикримизча, биринчидан, кредитлашнинг "Ипотека" шаклининг норматив ҳуқуқий ҳужжат қоидаларини юзасидан даврий равишда ўқув семинарлари ташкил этиб бориш;

иккинчидан, амалиётда айни пайтда "Ипотека" кредити асосида уй-жой сотиб олган шахсларнинг объектив ёки субъектив (никоҳ муносабатининг эрта тугаши, қарздор тарафнинг вафот этиши ва ҳоказо) сабабларга кўра кредиторнинг барча ҳақли талабларини бажара олмай қолиб кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан боғлиқ вазиятлар юз берганда муаммолардан чиқишнинг самарали механизми сифатида Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг, 322, 320, 382–моддаларида белгиланган қоидаларни қўллаган ҳолда "Ён бериш" усулида қарздор тарафни ўзгартириш механизмини амалиётда қўллаш юзасидан ўқув семинарларини ташкил этиш орқали ходимларда билим ва кўникмаларни шакллантириб бориш;

учинчидан, айни пайтда амалиётда кредит муносабатига киришаётган қарздор тарафнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашни, фақатгина молиявий коэффициентларни аниқлашдан иборат, деб тушуниб, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ҳуқуқий-ташкилий тузилмасига қараб, жойланиш ҳаққонийлиги текширилмай компьютер дастурлари орқали таҳлил этилаётганлиги оқибатида мижоз ҳақида айрим ҳолларда сифатсиз хулосалар олинишига сабаб бўлаётганлиги кузатилмоқда. Ваҳоланки, компьютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини ва ундан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина фаолият самарадорлигига ижобий таъсир этувчи бир восита эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ходимларда кредитга лаёқатлиликни аниқлашнинг молиявий коэффициентлар усулига ўтишдан аввал, мижознинг ҳуқуқий-ташкилий тузилмасига қараб молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини аниқлай оладиган даражада хо-

димларда билим ва кўникма ҳосил қилиш учун халқаро тоифадаги бухгалтер-амалиётчи тайёрлаш курси ўқув дастурига киритилган мавзулар юзасидан семинарлар ташкил этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. Банк кредит қўмиталари қарорлари сифатининг пастлигидир. Бу ҳам кредит муносабатининг самарали якунланишига замин яратувчи асосий омил ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, айнан "банк кредит қўмитаси" кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни, яъни кредитлашга оид бошқарув қарорини қабул қилади.

Халқаро молия ва банк хизматлари бозорида юзага келиб, бугунги кунда кенгайиб бораётган молиявий инқироз сифатсиз амалга оширилган кредит муносабатлари асосида келиб чиқаётганлиги сабабли, мамлакатимиз пул-кредит сиёсатида белгиланганидек, тижорат банкларининг фаолиятини кенгайтириш ва барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларни келажакда молиявий хизматлар бозоридаги фаолиятларини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш давр талабидир. Чунки, ҳар қандай муносабат каби кредит муносабатлари самарадорлиги ҳам ҳар томонлама ўйлаб, таҳлил натижаларига таянган ҳолда қабул қилинган бошқарув қарорлари сифатига боғлиқ.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, халқаро молиявий инқироз сабаби қилиб кўрсатилаётган сифатсиз кредит муносабатларининг келиб чиқишига олиб келаётган асосий сабаблардан бири, фикримизча, банк кредит қўмиталари томонидан ўз ишларига совуққонлик билан ёндашиб сифатсиз қабул қилинаётган қарорлар, жалб қилинган маблағлар ва уларни активларга жойлаштиришда стратегик бошқарувнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасидир.

Айни пайтда мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳа тизими субъекти бўлган банк тизимида кредит муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат қоидаларига асосланган ички меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошираётган бўлсалар-да, кредит қўмиталари тўғрисидаги низом қоидаларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айни пайтда банклар фаолиятида меъёрий ҳужжат сифатида қўлланилиб келинаётган кредит қўмиталари тўғрисидаги низом қоидалари асосан, банкнинг бош идораси учун мослаб тузилган, ҳудудий банк кредит комиссияси фаолиятига оид низом қоидалари деярли амалиётда қўлланилмаётганлиги кузатилган.

Бу тадбирнинг амалга оширилиши халқаро молиявий инқироз таъсирининг мамлакатимиз банк фаолиятига салбий таъсирини нафақат камайтиришга олиб келиши мумкин, балки хизмат кўрсатиш соҳа тизими субъекти бўлган банк фаолиятининг асосий фоизли даромади ҳисобланган кредит амалиётлари сифатини ҳам ошириб, кредит амалиётларидан йўқотишлар миқдорини камайтиради, деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда, хизмат кўрсатиш соҳа тизими субъекти бўлган айрим тижорат банкларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кредит қўмита (комиссия) мажлислари ўтказилмай, расмиятчилик учун тузилаётган баённомаларга имзо қўйиш ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз иштирок этмаган ҳолларда ҳам кредит беришга қарор қабул қилиш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар юзага келишига олиб келувчи омил сифатида кредит муносабатларининг самарасиз якунланишига замин яратаётганлиги кузатиляпти.

3. Кредитлашнинг таъминланганлик тамойилини амалга оширишда ходимларда малака ва тажрибаларининг етишмаслиги ҳам бор гап.

Аслида, таъминланганлик тамойили кредит муносабатларида муҳим ўринга эга, чунки, бу тамойилнинг қай даражада сифатли ва мукаммал амалга оширилганлиги кредитлаш жараёнида қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кредиторга ҳеч бир монеликсиз қарздор таъминоти объектига эгалик ҳуқуқини олишни таъминлаши, шунингдек, таъминот объекти қиймати кредит ва унга ҳисобланган устама фоизларни қоплай олиш имкониятини бериши лозим. Лекин амалиётда кредит муносабатининг таъминотига олинган кредит объекти (асосан "Ипотека" кредитларида)нинг айни пайтдаги баҳосини аниқлашда, реконструкция ва тугалланмаган бино-иншоотларни тугаллаш харажатлари таннархини чиқаришдаги хатолик ва малакасизлик оқибатида ва энг асосийси, қарздор молиявий ҳолатини аниқлашнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил этишда малакасизлик қилинаётганлиги кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Бундан ташқари, амалиётда юзага келаётган муаммолар шуни кўрсатмоқдаки, мажбурият ижросини таъминотнинг иккиламчи манба предметларидан бирор-бир шакл ёки усуллари асосида таъминлашга доир расмийлаштириш тадбирларининг амалга оширилганлиги, муносабат 100 фоиз ижобий якунланиши кафолатланган, деб хулоса чиқариш учун асос бўлмас экан. Банклар фаолиятида шундай бир муаммолар юзага келмоқдаки, улар ечимини ижобий ҳал этиш учун ходимлардан кўрилаётган масаланинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатларини таҳлил эта оладиган даражада билим ва кўникма талаб этилади.

Амалиётда кредит ташкилотлари кредит таъминоти учун тақдим этилган гаров предметини нотариал тартибда тақиқ солиш ва гаров предметини суғурта қилиш орқали кредит рискдан муҳофазаланишга ҳаракат қилиб кўради. Лекин амалиётда кредитлаш жараёнида шундай бир ҳолатлар келиб

чиқмоқдаки, бу ҳолатларнинг салбий оқибатларидан гаров предметининг на суғурталанганлиги ва на нотариал тартибда тақиқ солинганлиги кредит ташкилотларини кредит рискларидан муҳофаза эта олмаётганлиги кузатилмоқда. Шундай муаммолардан бири, кредит муносабатининг иштирокчиси бўлган қарздор тарафнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун таъминот предметининг суд тартибида ҳуқуқбузарлик ашёвий қуроли сифатида мусодара қилиниши натижасида кредит маблағининг таъминотсиз қолиши ва қарздор тарафнинг кредит таъминоти учун бошқа таъминотни тақдим эта олмаслик ҳолатидир.

Маълумки, гаров предметига нотариал тартибда тақиқ солиниши гаровга қўювчининг гаров предметини сотиш, ҳадя этиш каби ҳуқуқларинигина чеклайди. Лекин гаровга қўювчининг гаров предметидан фойдаланиш ҳуқуқини суиистеъмол қилган ҳолда автомашинада ҳуқуқбузарлик қилишига монелик қилмайди. Айнан шу ҳолат кредит маблағининг таъминотсиз қолишига, яъни гаровга қўювчи томонидан кредитлаш даврида ҳуқуқбузарлик қилгани учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарлик ашёвий қуроли сифатида суд қарорига биноан, давлат фойдасига мусодара қилинади. Фикримизча, кредит ташкилотлари бундай ҳолатлардан муҳофазаланиш учун кўрилаётган масаланинг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатларини таҳлил эта оладиган билим ва тажрибага эга бўлган малакали ходимлардан иборат "Экспертлик хизмати" бўлимларини ҳудудий банк бўлимларида ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

4. Кредит муносабатининг ҳуқуқий асоси бўлган шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тўғри тузилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги.

Амалиётда ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан нотўғри тузилган, шунингдек, муносабатнинг ҳуқуқий асосларини расмийлаштиришда қарздор тарафнинг ваколати бўлмаган ёхуд ваколат ҳуқуқи чекланган вакиллари томонидан расмийлаштирилиши ва оқибатда кредитлаш жараёнида мазкур шартномалар амалдаги тартибда бекор қилиниб, банк фаолиятига зарар келтирувчи ҳолатлар учраб турмоқда. Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқий муносабатнинг барча объектлари учун, шу жумладан, кредит муносабатлари учун амалдаги қонун талаблари асосида шартнома тузиш усулларининг намунавий методик қўлланмаси ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Қарздор устидан етарлича мониторинг олиб борилмаслиги. Кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва кредитлаш қоидала-рида тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга ошириб бориши, яъни қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларининг айланиши бизнес режа кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда таҳлил этиб бориши белгиланган бўлсада, банклар томонидан бу талаблар деярли бажарилмай, кредит муносабатлари самарадорлигининг пасайиб бориш хавфининг олдини олиш имкониятига салбий таъсир этмоқда. Айни пайтда, хизмат кўрсатиш соҳа тизими субъекти бўлган банк тизимининг айрим ҳудудий бўлимларида корхона фаолиятини деярли яхши тушунмаслиги ёхуд улар фаолиятини таҳлил этишда малакаси етишмаслиги туфайли мижоз фаолиятида кредит мақсадли ишлатилаётганлиги таҳлили юзасидан ўтказилаётган текширув натижаларида кредит маблағи сарфини ва кредит эвазига сотиб олинган ашёни ҳақиқатда мижоз томонидан амалга оширилганлигини тасдиқловчи асос ҳужжатларни (счёт-фактура, ишончнома, йўл варақаси, юк хати ва ҳоказоларни) текшириш ва далолатномада қайд этиш билангина чекланиб қолаётганлиги, шунингдек, бизнес режада мижоз фаолиятида кредитнинг айланиш даражаси бир йилда камида уч мартани ташкил этиши белгиланган ҳолларда кредитнинг асл моҳияти ва мақсади юзасидан қарздор фаолиятида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий мониторинг ўтказилмаётганлиги кузатилган. Фикримизча, банкларда хўжалик фаолияти таҳлили юзасидан малака ошириш курслари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга доир миллий қонунчилик ҳужжатлари қоидаларини такомиллаштиришнинг зарурийлиги. Мажбурият ижроси таъминотини қонуний расмийлаштириш мажбурият ижроси 100 фоиз таъминланганлигини билдирмаслиги амалиётда мажбурият ижроси таъминотга қаратилганда юзага келаётган муаммолар борлиги учраб турибди. Айнан, шунинг учун ҳам кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларда муаммолар юзага келаётган оғир экологик муҳит таъсирида бўлган Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредитларнинг ролини ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган таъминот предметларини расмийлаштиришга оид қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Мажбурият ижросини лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаб ва қоидалар қай даражада мукаммал тузилган

бўлмасин, юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар асосан таъминотнинг иккиламчи манбалари бўлган "Учинчи шахслар кафиллиги" ва "Гаров" шакллари асосида иш юритиш жараёнида юзага келаётганлиги кузатилган. Жумладан:

– кредитлаш жараёнида шахснинг кафиллик мажбуриятининг ижроси учун тақдим этган мол-мулкининг назоратсиз қолиши оқибатида бу мол-мулкларни эркин тасарруф этиб юбориши оқибатида мажбурият ижро даврига келиб кафил шахснинг кафиллик мажбуриятини бажара олмай қолиш ҳолатининг юзага келаётганлиги;

– гаров предметидан қарздорнинг ҳуқуқбузарлик ашёвий қуроли сифатида фойдаланиш имкониятининг чекланмаганлиги;

– гаров предметига оид қонун ҳужжатларидаги номутаносибликларнинг мавжудлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни 43-моддаси, "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 29-моддаси, 2, 3-хатбоши талаби, "Фуқаролик кодекси"нинг 281-моддаси, 6-7 хатбоши талаблари, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунининг 56-моддасида белгиланган талаб ва қоидалар кредит ташкилотлари ходимлари олдига бир қатор ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг таъминотнинг кафиллик шаклига оид 292-298-модда-ларини, гаров шаклига оид 281-моддаси, "Ипотека тўғрисида"ги Қонуни 43-моддаси, "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 29-моддаси, 2, 3-хатбоши талаби, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунининг 56-моддаси қоидаларида белгиланган талабларни мутасадди идоралар томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ёхуд мазкур қоидалар юзасидан мукаммал изоҳ ва шарҳлар бериб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Фоиз даромадларининг кескин пасайиб бориши. Тадқиқот жараёнида айрим банк ташкилотларида фоизли даромадлар камайиб бориши кузатилган. Кредит қўйилмаларининг ортишига қарамай, фоиз даромадларининг камайиб бориши, муносабатда иштирок этувчи томонлар фаолиятида кредитнинг роли ва самарадорлиги камайиб бораётганлигидан, шунингдек, мазкур банкларда кредит маблағларини ва уларни ҳисобланган фоизларни ундиришда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

7. Банкда рискларни, шу жумладан, кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш фаолиятининг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

8. Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими фаолияти самарали йўлга қўйилмаган деган, фикрга ҳам келдик.

Кредитлаш жараёнларида юзага келаётган салбий омиллар таъсирини бартараф этиш юзасидан илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш тадқиқот олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, умуминсоний фаолият ҳамда унинг инсон шахсий омилига хизмат қилувчи тизим субъектларининг биргаликда ўзаро тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида мақсадларига эришиш йўлидаги муносабатларида муаммолар мавжудлигича қолар экан, жамиятда молиялашнинг асосий воситаси ҳисобланган кредит муносабатларининг самарадорлиги тўлиқ таъминланишида масала ечими топилмай қолаверади.

Ж.ИСАҚОВ,
катта илмий ходим.

[1] Муаллиф томонидан берилган таъриф.

Ипакчилик маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш самарадорлигини ошириш муаммолари



РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ҚАЙТА ЎЗГАРТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАРНИНГ ЖАДАЛ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛИШИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган ипакчилик тармоғини ривожлантиришга республикамиз ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, ипакчилик соҳасида ўзаро узвий боғланишда бўлган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК тегишли тармоқларни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди[1]. Яъни, қишлоқ хўжалик соҳасида "2011-2015 йилларда пиллачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, республика ипакчилик корхоналарида фермер хўжаликларига ҳосилдорлиги, толасининг сифат кўрсаткичлари юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли маҳаллий ипак қуртлари етказиб бериш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар" ҳамда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК "2011-2015 йилларда хорижий инвестиция ва банклар кредитларини жалб этиш асосида ипакчилик, пиллани қайта ишлаш ва шойи тўқиш корхоналарини ривожлантириш"нинг комплекс дастурлари қабул қилинди[2]:

Дастурда ипакчилик маҳсулотларини етиштирадиган ва ишлаб чиқарадиган юқоридаги ўзаро узвий боғланишда бўлган тармоқларда йиллар кесимидаги чора-тадбирлар режаси ва уни амалга ошириш ҳамда кутиладиган натижалар ўз ифодасини топган. Дастурлардаги бу вазифаларни ҳал этилиши республикамиздаги пиллакашлик корхоналарини етарли миқдорда қуруқ пилла, шойи-тўқиш корхоналарини эса хом ипак ипи билан таъминлаш имкониятини яратади.

Шу нуқтаи назардан, ипакчилик тармоғининг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатиши юқоридаги тармоқларда бу йўналишда олиб борилаётган амалий ишларнинг натижасига боғлиқ.

Ипакчилик соҳаси ўзаро узвий боғланган ва ҳар бири ўзига хос бўлган қуйидаги 6 та таркибий тузилмадан иборат:

– ипак қуртини озуқа манбасини яратувчи;


– уруғларни етиштирувчи ва улардан инкубациядан кейин ипак қуртларини чиқарувчи;

– ипак қуртларини парваришлаб, тирик пиллани етиштирувчи;

– пиллани қабул қилиш, тайёрлаш ва дастлабки қайта ишловчи (қуритиш, ғумбакни ўлдириш);

– хом ипак ипини тайёрлаб, уни эшишни амалга оширувчи;

1-расм. Ипакчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларида иштирок этувчи тармоқлар фаолиятининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– истеъмол товарларини (ипак матолари ва тайёр маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчи тузилмалар.

Мустақил равишда фаолият кўрсатаётган ўзаро узвий боғланган вилоят «Пилла» уюшмалари ва «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибидаги ипакчилик корхоналаридаги муаммоларнинг ҳал этилганлик даражаси, ипакчилик тармоғини ривожлантиришини белгилайди. Ўрганилаётган тизимнинг мураккаблиги, муаммонинг долзарблиги ва аҳамиятини янада оширади (1-расм).

Мураккаб тизим хусусиятига эга бўлган корхоналар, ишлаб чиқариш фаолиятини тасодифий омиллар таъсирига асосланган стохастик ва нисбатан бир маромда ишлайдиган ишлаб чиқариш жараёнлари асосида амалга оширади.

Тадқиқ этилаётган тизим икки гуруҳдан иборат бўлган 8 та бўғинни ўз ичига олади. Биринчи гуруҳга пилла етиштирувчи ва қайта ишловчилар (озуқа манбаини таъминловчилар, ипак қурти уруғини ҳамда тирик пиллани етиштирувчилар, қуруқ пилла тайёрловчилар), иккинчисига эса пиллакашлик, ипак-йигирув, шойи тўқув ва тикувчилик корхоналари киради. Ҳар бир бўғиндаги ишончли фаолият қолган бўғинларни самарали ишлашини таъминлайди. Ўзаро узвий боғланганлик нуқтаи назардан, кўриб чиқилаётган тизимни бир текисда фаолият кўрсатиши учун иккинчи бўғиндаги ишлаб чиқариш қувватлари – биринчига, учинчи – иккинчига ва тўртинчи – учинчига ва ҳ.к. мос келиши лозим.

Тизимда биринчи гуруҳ муҳим ҳисобланади, чунки бу ерда пилла етиштирилади. Етиштирилган пилланинг ҳажми ва сифати кейинги бўғинларни ишончли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бу бўғиннинг кўрсаткичлари стохастик характерга эга. Маълумки, тайёрланадиган пилланинг ҳажми кўп ҳолларда тут баргларини ҳажми ва сифатини таъминловчи табиий – климатик омилларга боғлиқ. Бу омилларни бошқариш имконияти йўқлиги, ўзаро узвий боғланган тармоқларни ишлаб чиқариш – технологик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, кўп босқичли тизимни ўзаро боғланганлиги ва ишончлилигининг бузилишига олиб келиши ҳамда катта миқдордаги зарарнинг асоси бўлиши мумкин.

Фикримизча, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда, юқоридаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2006 йилда тармоқда тайёрланган 5258,4 тонна қуруқ пиллани 51,9 фоизи экспорт қилинган, пиллакашлик корхоналарида эса 48,1 фоизига ишлов берилган. Пиллакашлик корхоналарида ишлаб чиқарилган 685,1 тонна хом ипак ипидан 64,1 фоизи экспорт қилинган, қолган 35,9 фоизи шойи тўқиш корхоналарига сотилган.

Мамлакатимиздаги шойи тўқиш корхоналарининг таҳлили корхоналарни жисмонан ва маънавий эскирган дастгоҳлар билан жиҳозланганлигини ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун уларни модернизациялаш талаб этилади. Тармоқ шойи тўқиш корхоналарида 2006 йилда тайёрлан-

ган жами хом ипак ипнинг 95,7 фоизи экспорт қилиниб, қолган 4,3 фоизидан шойи тўқиш корхоналарида газлама тўқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори ижросини амалга ошириш натижасида тармоқларда ижобий натижаларга эришилди[3].

Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир бўғинида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича ўзаро узвий боғланишни таъминланиши ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш ва таҳлил этиш имконини беради. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ўзаро кетма-кет ва узвий боғланган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга бўлади: $(1+S_n) \longrightarrow$ *(хом ашё)* $\longrightarrow [1] \longrightarrow (1+S_i) \longrightarrow [2] \ldots [n\text{-}2] \longrightarrow (1+S_2) \longrightarrow [n\text{-}1] \longrightarrow (1+S_1) \longrightarrow [n] \longrightarrow 1 \longrightarrow$ *тайёр маҳсулот*.

$(N-1) \longrightarrow (N-2) \longrightarrow (N-3) \longrightarrow \ldots \longrightarrow (N-i) \longrightarrow 1$.

Қайта ишловга бериладиган хом ашё, *n* - сонли технологик жараёнлардан ўтади ва тайёр маҳсулотга айланади. Корхона даражасида $(1+S_n)$ ҳажмдаги ярим тайёр маҳсулотлар бир цехдан иккинчи цехга ҳаракат қилади:

$(1+S_n) > (1+S_i) > \ldots > (1+S_2) > (1+S_1) > 1$.

Битта чиқишдан иборат бўлган корхоналар учун бу нисбатдаги фарқ ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташкил этади. Бу ерда «битта чиқиш» тушунчаси маҳсулотнинг ишлаб чиқаришидаги турини ифодалайди. Масалан, пиллакашлик корхоналари 2 та чиқишга эга: хом ипак ипи ва чиқиндилар. Юқоридаги нисбатлар ёрдамида, меъёрларни, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотларни ишлатиш даражасини назорат қилиш мумкин. Ҳозирда технологик жараёнлардаги хом ашёнинг миқдорий ҳаракатини замонавий компьютер технологиялари асосида назорат қилиш имконияти мавжуд. Бу тизимда тайёрланган қуруқ пиллани бир қисми пиллакашлик корхоналарига хом ипак ишлаб чиқариш учун юборилади, иккинчи қисми бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиниши мумкин. Чиқиндилар эса ипак-йигирув корхоналарига жўнатилади. Пиллакашлик корхоналарида қуруқ пиллага ишлов бериш жараёнида вужудга келган чиқиндилар ҳам ипак йигирув корхоналарига юборилади. Демак, 1 тонна хом ипак ипи ишлаб чиқариш учун $(1+S_1)$ тонна қуруқ пилла, бунинг учун эса $(1+S_1)+S_2$ тонна тирик пилла керак бўлади. Пиллакашлик корхоналарини техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлили, 1 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш жараёнида 30–33 фоиз хом ипак ипи, 15–17 фоиз ишлаб чиқариш чиқиндилари, 30 фоиз ғумбак ва 18–20 фоиз технологик йўқотишлар нисбатида бўлишлиги аниқланган.

Ипакчилик тармоғининг узлуксиз равишда фаолият кўрсатиши тайёрланадиган хом ашёнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига боғлиқ. Тирик пилла, қуруқ пилла ва чиқиндиларни сифат кўрсаткичлари давлатлараро стандартлар асосида амалга оширилади[4-5]:

Юқоридаги ҳужжатларга асосан қабул қилинаётган чиқиндилар стандартда кўрсатилган меъёрий талабларга мос келиши керак. Шу нуқтаи назардан, пиллани етиштириш ва қайта ишлаш хом ашё балансини тузишда, ипакчилик маҳсулотларини ҳажми, тармоқни ишлаб чиқариш имкониятлари, истеъмоли ҳамда экспорт миқдорларини биргаликда ҳисобга олиш талаб этилади.

Б.Д. ХАКИМОВ,
ТТЕСИ магистри.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 1442-сонли қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

2. "Ўзбекенгилсаноат" ДАКнинг "2011-2015 йилларда Хорижий инвестиция ва банклар кредитларини жалб этиш асосида ипакчилик, пиллани қайта ишлаш ва шойи тўқиш корхоналари ривожланишининг комплекс дастури".

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 512-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

4. Межгосударственный стандарт ГОСТ 31257-2004 «Коконы тутового шелкопряда живые» технические условия.

5. Межгосударственный стандарт ГОСТ 31256-2004 «Коконы тутового шелкопряда воздушно-сухие» технические условия.

Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантириш йўллари



АГРАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ВА УНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ИСТИҚБОЛДА ҲАР БИР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАМДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАВЖУД МУАММОЛАРИ, КАМЧИЛИКЛАРИНИ МАЖМУАВИЙ ШАКЛДА ЧУҚУР ТАДҚИҚ ЭТИШ ТАҚОЗО ЭТИЛАДИ.

Шунинг учун аграр соҳада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида фермер хўжаликларини ривожлантиришда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг иқтисодий эркинлиги ва барқарорлигини рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширалаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда”[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг рақобатбардошлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири – тадбиркорлик даражаси ҳисобланади.

Бу эса, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда турли маҳсулот ҳолатига эга бўлиши орқали уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

“Барқарор ривожланиш” атамасининг умумэътироф этилганлиги қишлоқ хўжалиги амалиётида “барқарор қишлоқ хўжалиги” атамасининг пайдо бўлишига замин яратди. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг бундай янгича йўналиши унинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўллаш йўллари кўпгина мамлакатларда, шу билан бирга, халқаро ташкилотлар доирасида катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Бундай ривожланиш дунёнинг кўпгина давлатлари учун бирдек маъқул ривожланиш, деб эътироф этилмоқда. Бунинг асосий тавсифи эса, ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадларнинг ўзаро уйғунлигидир. Барқарор қишлоқ хўжалиги маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узоқ келажакда ҳам аҳолининг меъёр талаблари даражасида экологик жиҳатдан тоза бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда асосий эътибор қишлоқ аҳолисининг даромадлари, уларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат

маҳсулотларининг сифатлилик даражаси, экологик мувозанат ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилади. Яъни, бу ерда мақсад юқори ҳосил олиш эмас, балки иқтисодий самарадорлик мезонларига мос ҳамда сифатли ҳосилдорликка йўналтирилган ишлаб чиқариш барқарор қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади сифатида эътироф этилади. Содда қилиб айтганда, барқарор қишлоқ хўжалиги сон эмас, сифат учун ишлайди.

Бизнинг фикримизча, бу масаланинг ечими, асосан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектларни янада самарали ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш омилларига боғлиқ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу жараённи давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш лозим. Жаҳон тажрибаси ва мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳолатидан келиб чиқиб, соҳани барқарор ривожланишини таъминлашга агротехник, экологик, ижтимоий, микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Агротехник барқарорлик деганда, тупроқ, умуман, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг унумдорлигини узоқ муддат сақлаб қолишни;

Экологик барқарорлик эса, атроф-муҳитга зарар етказмаслик ва қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларнинг тўлиқ сақланиши;

Ижтимоий барқарорлик – қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасининг кўтарилиши, даромадининг ошиши ва қишлоқда ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш даражасининг кўтарилиши;

Микроиқтисодий барқарорлик – қишлоқ хўжалиги корхоналарини қишлоқдаги иқтисодий субъект сифатида узоқ муддат фаолият кўрсатишига шароит яратилиши;

Макроиқтисодий барқарорлик – ички бозорни маҳсулот билан тўлиқ таъминлаш ва ташқи бозордаги рақобатбардошликни таъминлашдир.

Фермер хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири унга таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳаққоний ҳисобга олинишидан иборат. Олиб борилаётган илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу омиллар тизимига турлича ёндошиш мавжуд. Баъзилари бу омилларни ишлаб чиқариш муҳитига таъсирини ҳисобга олса, иккинчилари эса, ишлаб чиқариш жараёнига таъсири ва учинчилари, уларни ишлаб чиқариш натижаларига таъсирини асос қилиб олмоқдалар. Баъзи бир илмий изланишларда эса, эътиборни кўпроқ табиий ва иқтисодий омиллар ҳамда экологик омилларга эътибор берилмоқда. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминловчи омилларни бир тизимга солишда қуйидагича ёндошиш маъқул бўлади.

Барқарор ривожланиш иқтисодий тизимнинг асосий мақсади қилиб олиниб, барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ички ва ташқи омиллар.

Биринчи гуруҳ омилнинг таъсирини тизим ичида кечаётган жараён ва бу жараёнлар элементларининг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳ омили эса, тизимга ташқи муҳитнинг таъсири билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги такрор қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ички омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим:

Ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-физиологик.

Биринчи гуруҳ бевосита озиқ-овқат маҳсулотларига ва хом ашёни қайта ишлаш корхоналари билан боғлиқ.

Иккинчи гуруҳ омилларига эса маҳсулотларни тақсимлаш ва алмашиш жараёнида юзага чиқадиган омиллар киритилади.

Учинчи гуруҳга маҳсулотни истеъмол қилиш давридаги омиллар киради.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи асосий манба бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқариш асосий омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омиллари қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: табиий, биологик, ташкилий-иқтисодий, технологик, илмий-техникавий ва экологик.

Юқоридаги омиллар фермер хўжаликларини иқтисодий барқарор ривожлантиришда таъсирини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида, фермер хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган қайси хусусиятга мос келишига қараб, барқарор ривожланади ҳамда реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражасини юқорилигини таъминлайди.

Жонибек ФАРМАНОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта илмий ходим-изланувчиси.

[1] И.А.Каримов. "Мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш". 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 2013 йил 19 январь.

Наманган вилояти енгил саноат корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари



ЕНГИЛ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШ, ЖАҲОН БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН КЎПРОҚ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲОЗИРГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИДИР.


Шунинг учун, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2012 йилнинг биринчи галдаги устувор вазифаси этиб, мамлакатимиз рақобатбардошлигини ошириш, бу йўналишда 2012-2016 йилларда 6 миллиард 200 млн. доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш белгилаб берилди. Ўз навбатида, Наманган вилояти саноатига ҳам 2011-2015 йилларда жами 56 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш, 174,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган. Вилоят иқтисодиётида енгил саноат тармоғи катта аҳамиятга эга бўлиб, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг 40 фоизи ва экспортнинг 50 фоиздан ортиғи мазкур соҳага тўғри келади.

Наманган вилоятининг енгил саноатига киритилган ва ўзлаштирилган инвестиция 2006-2011 йилларда жами 148,7 млрд. сўмни ташкил этиб, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 41,2 фоизга етди. (1-чизма). Таҳлил қилинаётган йиллар давомида енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 баробарга ошган бўлса, уларнинг экспорти ҳажми 2005 йилдаги 0,29 млн. АҚШ долларидан 2011 йилда 40,6 млн. долларгача кўпайди.

Шунингдек, 2007-2011 йилларда жалб этилган инвестицияларнинг ҳар 1000 АҚШ доллари ҳисобига ишлаб чиқариш 726 минг сўмга ва экспорт эса 419 АҚШ долларига кўпайишига эришилди. (2-жадвал).

Вилоят енгил саноати тармоғида 16 та йирик, 49 та кичик корхона, 195 та микрофирма, 55 та ёрдамчи хўжалик ҳамда 1100 га яқин оилавий хўжаликларида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхоналарнинг 15 таси йирик ва 11 таси кичик қўшма корхоналар бўлиб, улар Туркия, Корея, АҚШ, Сингапур, Хитой каби давлатлар билан ҳамкорликда

1-чизма. Наманган вилояти енгил саноатига киритилган инвестициялар динамикаси



2-жадвал. Наманган вилояти енгил саноат тармоғига киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги

Йиллар	Жами ўзлаштириш (минг АҚШ доллари)	Ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча ўсиши		Экспортни ўсиши		Яратилган янги иш ўринлари	
		Жами (млн. сўм)	1000 доллар ҳисобига (минг сўм)	Жами (минг АҚШ доллари)	1000 доллар ҳисобига (АҚШ доллари)	Жами	10000 доллар ҳисобига
2007	3213	564	176	220	68	300	0,9
2008	33428,6	2680,4	80	2210	66	1359	0,4
2009	8889,5	12653,3	1423	10533,1	1185	893	0,1
2010	34000	29920	880	14857	437	937	0,3
2011	13211	21467	1625	11066	838	835	0,6
Жами	92742,1	67284,7	726	38886,1	419	4324	0,5

ташкил этилган. Аммо барча қўшма корхоналарда ҳам инвестициялардан фойдаланиш даражаси бир хил эмас.

Масалан, "Намангантекстил" ОАЖ корхонаси 2006 йилда Кореянинг "HAIN TEX CO" LTD корхонасига устувор режага кўра, 32,24 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш шарти билан сотилган эди. Бироқ, "HAIN TEX" Корея корхонаси томонидан инвестицияларни киритиш бошланғич 4 йил давомида 40 фоизни ташкил этди холос (3-жадвал). Ҳамкорлар фикрича, жаҳонда вужудга келган

3-жадвал. "HAIN TEX" хорижий корхонасига жалб этиладиган инвестициялар ва унга мос ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Йиллар	Режа (минг АҚШ доллари)	Амалда (минг АҚШ доллари)	Ип-калава ишлаб чиқариш (тонна)
2008	10000,0	8299,0	1646
2009	0	43,0	3215
2010	1500,0	1012,0	2991
2011	11500,0	0	2421
Жами	**23000**	**9354,0**	


иқтисодий инқироз ва хом ашё нархининг жаҳон бозорларида кўтарилиши ҳамда Жанубий Корея Республикаси банклари томонидан бу тармоққа хорижий кредитлар ажратишда лимитларни чегараланганлиги сабабли шартнома кўрсаткичлари бажарилмади. Белгиланган даврда лойиҳа амалга оширилган тақдирда эса, 2017 йилга бориб, 27 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилган ва 3000 та янги иш ўринлари яратилган бўлар эди. Ҳолбуки, 2011 йилда корхона 2421 тонна ип-калава ишлаб чиқарган ва экспорт режаси атиги 10 фоизга бажарилган холос.



Таҳлиллар натижасидан кўринадики, корхонанинг инвестицион фаолияти унчалик самарали эмас.

Ҳар қандай инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги бу – корхонанинг маркетинг фаолияти қай даражада ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун банкротликка учраган қўшма корхоналар фаолияти таҳлил қилинганда - олиб кирилаётган айрим технологияларнинг маҳаллий хом ашёларни қайта ишлашга мос келмаслиги; - маҳсулотларни ички ва жаҳон бозорларида сотиш имкониятлари ўрганилмаганлиги; – маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва халқаро стандартларга мос ке-

2-расм. Корхона маркетинг фаолияти модели.



▭ - ***фаолият жараёни*** **О** - ***вазифалар***

лиши олдиндан аниқланмаганлиги асосий сабаб бўлганлиги ойдин бўлди.

Фикримизча, вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлур эди:

- иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўйича махсус илмий-амалий ишчи гуруҳлари шакллантирилиши ва уларга вилоят бошқармалари, олимлар ва етакчи корхоналар вакиллари жалб этилиб, ҳар бир янги лойиҳаларни олдиндан таҳлил қилиши ва тегишли хулосалар тайёрлаш, тавсиялар бериш лозим;

– қўшма корхоналарнинг фаолиятлари самарадорлигини ошириш масалалари уларнинг раҳбарлари ва ходимлари малакасини ўз соҳалари бўйича янги техника-технологияни чуқур ўзлаштириш билан бирга, маркетинг ва рекламанинг фундаментал тамойилларини ҳам ўрганишлари талаб этилмоқда. Шунинг учун ҳар бир корхонада маркетинг бўлими фаолияти йўлга қўйилиши шарт (2-расм). Бизнинг мазкур ишланма-моделимиз замонавий бозор талабларидан келиб чиққан ва корхоналарнинг маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга имкониятлар яратади.

Зиёдилла ҲАКИМОВ.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали омиллари



Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида энг кўп сонли аҳоли ва меҳнат ресурсларига эга мамлакатдир. Банд аҳоли сони бўйича ҳам мазкур республика Марказий Осиёда етакчилик қилади.

Аҳоли сони 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра 29,6 млн. кишини ташкил этди ёки 2006 йилга нисбатан деярли 3 млн. кишига кўпайди. Меҳнат ресурслари сони эса 14,8 млн.дан 16,7 млн. кишига ёки 118,9 фоизга етди. Худди шу давр ичида иш билан банд аҳоли сони 10,5 млн. кишидан 11,6 млн. кишига ортиб ёки 110,5 фоизга ўсди. Таҳлил шундан далолат бермоқдаки, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони банд аҳолига нисбатан бирмунча юқори суръатларда кўпаймоқда.

Бундай ҳолат кўп сонли аҳолига эга ва меҳнат ресурсларига бой ҳар қандай мамлакат учун табиийки қўшимча муаммолар келтириб чиқаради. Ўзбекистон минтақаларида аҳоли, меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигига хос номутаносибликлар ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият мураккаб бўлган Қуйи Амударё, Мирзачўл ва Жанубий минтақаларида ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Хусусан, аҳоли сонига кўра етакчи ўринни эгаллаган Зарафшон, айниқса, Фарғона водийси минтақалари меҳнат ресурслари сонига биноан ҳам республикада юқори ўринда туради. Шу билан бирга, мазкур минтақалар ўртасида банд аҳоли сони бўйича маълум номутаносибликлар кўзга ташланади. Жумладан, банд аҳоли сони ва салмоғига биноан водий минтақасида Фарғона вилояти етакчилик қилади. Ундан кейинги ўринларни Зарафшон минтақасидаги Самарқанд вилояти пойтахт минтақасидаги Тошкент вилояти эгаллайди. Мирзачўл минтақасидаги Сирдарё вилояти барча кўрсаткичлар бўйича охирги ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, Жиззах вилояти эса меҳнат ресурслари сонига кўра Навоий вилоятидан олдинги ўринда туради.

Биз статистик маълумотларга асосланган ҳолда аҳоли, меҳнат ресурслари ва банд аҳоли сони билан ушбу вилоятларга тўғри келувчи ялпи ҳудудий маҳсулот ўртасида мавжуд бўлган алоқани аниқлаш ва баҳолашга ҳаракат қилиб кўрдик. Ўз-ўзидан маълумки, аҳоли сони билан меҳнат ресурслари сони ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд. Фақат айрим ҳоллардагина ушбу кўрсаткичлар орасида вужудга келган маълум номутаносибликлар ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган пенсионерлар ва ўсмирлар ҳисобига пайдо бўлади. Лекин Ўзбекистонда кейинги йилларда ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилганлиги сабабли ушбу категориядаги аҳолини меҳнат ресурслари сони ва салмоғида иштирок этиши сезиларли тарзда камайди. Ҳозирги вақтда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд пенсионерларнинг салмоғи 2-2,5 гача ўзгариб турибди.

Меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, банд аҳолидан фойдаланиш кўламини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Иш билан банд аҳолидан фойдала-

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий демографик кўрсаткичларни минтақалар ўртасида бўйича тақсимланиши

№	Доимий аҳоли		Меҳнат ресурслари		Банд аҳоли		Ялпи ҳудудий маҳсулот млрд.сўм	Ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига	Банд аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот
	Сони минг киши	Салмоғи фоизда	Сони минг киши	Салмоғи фоизда	Сони минг киши	Салмоғи фоизда			
Ўзбекистон Республикаси	29555,4	100	16726,0	100	11628,4	100	61831,2	2163,5	5317,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1692,8	5,8	945,9	5,7	580,8	4,9	1389,8	826,2	2395,0
Вилоятлар									
Андижон	2714,8	9,2	1561,2	9,4	1112,0	9,6	3679,6	1343,2	3309,3
Бухоро	1707,4	5,8	987,6	5,9	768,1	6,6	3376,0	2146,7	4396,0
Жиззах	1186,6	4,0	652,1	3,9	381,6	3,3	1389,1	1205,9	3636,1
Қашқадарё	2777,8	9,4	1493,4	8,9	971,6	8,4	4865,1	1933,2	5005,1
Навоий	881,2	3,0	531,6	3,2	407,9	3,5	3276,6	3797,5	8031,9
Наманган	2420,6	8,2	1350,6	2,1	815,3	7,2	2426,6	1030,0	3222,1
Самарқанд	3306,2	11,3	1815,7	10,9	1229,9	10,6	3813,1	1186,8	3100,0
Сурхондарё	2218,9	7,5	1174,1	7,0	784,4	6,8	2229,3	1077,1	2839,5
Сирдарё	739,5	2,5	420,7	2,6	319,9	2,8	1008,3	1372,5	3150,
Тошкент	2671,0	9,0	1549,7	9,3	1155,4	10	5571,1	2167,1	4823,4
Фарғона	3280,8	11,1	1824,2	11,0	1340,4	11,6	4095,5	1344,9	3056,0
Хоразм	1629,1	5,5	900,4	5,4	606,7	5,3	1949,1	1159,9	3202,6
Тошкент шаҳри	2309,3	7,8	1519,2	9,1	1153,8	10	9820,1	3682,5	8509,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

ниш самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг йўналишларидан яна бири "Аҳолини иш билан таъминлаш" ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ. Мазкур дастурлар ижроси натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, 2007-2012 йиллар давомида республикада яратилган янги иш ўринлари сони ўртача йилига 950 мингтани ташкил этди.

Банд аҳолидан самарали фойдаланишда давлатнинг қуйидаги функцияларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

– бандликни таъминлаш бўйича махсус дастур қабул қилиш ва уни амалга ошириш;

– янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;

– тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда янги иш ўринларини яратишни ҳисобга олиш;

– талабдан келиб чиққан ҳолда коллежлар ва олий таълим муассасалари жойлашуви ва уларнинг ихтисослашувини таъминлаш;

– ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида имтиёзли банк кредитларини бериш ва бошқалар.

Мамлакатимиз минтақаларида иш билан таъминлаш даражаси турличадир. Чунки ҳар бир минтақанинг инвестиция муҳити ва унга хос географик қулайликлари мавжуд.

Юртимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблигини, ўткирлигини сақлаб қолаётир. Олий Мажлис қўшма палаталари томонидан тасдиқланган "2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га биноан 2012 йилда 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингтасини қишлоқ жойларда ташкил этиш назарда тутилгани мақсадга мувофиқдир. Янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёдида эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш орқали эришиш кўзда тутилган. Бундай ижобий ишларнинг натижаси халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади ва мамлакатимиз тараққиётида ўз самарасини беради.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш бугунги кунда ҳар бир минтақада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзи ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитлари ҳамда имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат

ресурслари тинимсиз ўрганилиб ва таҳлил этилиб борилиши талаб қилинади. Минтақада бозор шароитида аҳоли бандлигини ошириш йўллари борасида давлат ва нодавлат секторларида ишга жойлаштириш борасида аниқланган муаммолар ва камчиликлар мавжуд.

Минтақаларда авваллари асосий иш билан банд аҳоли қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса, эндиликда саноат тармоғи ҳам ўсиб бориши ҳисобига янги иш ўринлари яратилмоқда.

Минтақаларда иш билан банд аҳолини фойдаланиш самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда молиявий ресурслар манбаларини аниқлаш;

– минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мавжуд салоҳият ҳамда уларнинг маҳсулоти ва хизматларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;

– минтақаларнинг молиявий ва инвестиция фаоллиги ҳамда жозибадорлигини аниқлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

– вилоят ва туманлар кесимида мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва молиявий барқарорликни баҳолаш;

– вилоятнинг ички молиявий ресурсларини жалб этиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– вилоятда таркибий-молиявий ресурслар, инвестициялаш ва модернизация қилишнинг устувор стратегиясини ишлаб чиқиш;

– вилоят молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг самарали йўналишларини амалга ошириш ва унга хос механизмларини аниқлаш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида дунёдаги кўпгина мамлакатларда ишсизлик ортиб бораётган жараёнда мамлакатимизда оқилона сиёсат туфайли иш билан банд аҳоли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса, давлатимиз томонидан олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасидир.

У.А НАРМАНОВ, Б.Ш.ЛОКАЕВ.
ЎзМУ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хужаев Н., Сатторов Н. Занятость, моделирование и рынок труда. Т: «Меҳнат», 1993.

2. Экономика и социология труда. Ижевск, 1997.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД – ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ, ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ИНСОННИ ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛГА ЕТКАЗИШДИР.

Бу мақсад биринчи марта 1990 йил 5 июнда Юртбошимиз томонидан "Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан" деб номланган собиқ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги маърузасида "биз бутун иқтисодиётни ижтимоий йўналиш бахш этишни, унга инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз"[1], деб баралла айтилган. Ушбу сўзлар И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз мустақиллиги учун кураш айни қизиган пайтда айтилган, истиқболда Ўзбекистонни мустақил тараққий эттиришнинг бош мақсади қилиб белгилаб берилган, эди.

Инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш учун туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу борада эришилган натижаларни сарҳисоб қилсак, жуда мураккаб, ўта қалтис муаммоларни ҳал этиш учун ниҳоятда улкан бунёдкорлик вазифаларнинг амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

И.А.Каримов истиқлол арафасида, "Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало, шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти"[2], дея таъкидлаган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида чуқур ва кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, юқорида таъкидланган чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзул барҳам топиши билан бирга, барқарор тараққиётга эришилди.

Республика 1996 йилда МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб иқтисодий ўсиш йўлига кирди, 2004 йилдан эътиборан эса барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши самарали чоралар кўрилиши натижасида кейинги беш йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. 2011 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни, 2012 йилда 8,2 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич бўйича Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган

мамлакатлари қаторидан жой олди[3].

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакатда туб ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга ва ижтимоий соҳада катта ютуқларга эришишга замин яратди.

1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Айни чоғда кенг миқёсда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтиш ишлари якунланди.

1990-2010 йилларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари сони (1-9 синф) 4053,0 минг кишидан 4676,1 минг кишига ўсди. 7 (6) ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг мактаб таълими қамраб олиниши даражаси шу даврда 92,1 фоиздан 99,3 фоизга, дарсликлар билан таъминланиши даражаси 55,4 фоиздан 100 фоизга, компьютер ўқув хоналари билан таъминланиши 2,4 фоиздан 68,2 фоизга ўсди[4].

2012 йилда коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди. Уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиёти ўтаган корхоналарга ишга жойлаштирилган. 687 та коллеж директори аттестациядан ўтказилди. Улардан 119 таси лавозимидан бўшатилди. 2100 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали кадрлар билан алмаштирилди. Раҳбар ва педагог кадрлардан 21700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи махсус курсларда малака оширдилар.

Франциядаги "Инссад" халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида 141 мамлакатда инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича 2-ўринни эгаллади.

2004-2010 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури ижроси натижасида 7800 дан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди, таъмирланди ва реконструкция қилинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди, 8 мингдан ортиқ таълим муассасаси капитал таъмирланди, газ ва сув билан таъминланди, марказлаштирилган канализация тармоқларига уланди[5].

2011 йилда энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46300 нафар ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди, 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди, 9400 дан зиёд умумтаълим мактаби, ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ZiyoNet электрон ахборот тармоғига уланган6.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими тубдан ўзгарди. 2010-2011 ўқув йилида мамлакатимизда 143 та академик лицей ва 1396 та касб-ҳунар коллежлари фаолият юритди. Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиш даражаси 2010 йилда 97,1 фоизни ташкил этди7. 2011 йилда республикамизнинг олис ва чекка ҳудудларида касб-ҳунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди[8].

Мамлакатимизда олий таълим тизимида бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтиш амалга оширилди. Мустақиллик йилларида олий ўқув юртлари сони 37 тадан 66 тага ўсди. Шунингдек, республикамизда халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Турин политехника университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети каби халқаро олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолининг саводхонлик даражаси кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон кўплаб ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олди. Таълим сифатини янада ошириш мақсадида эндиликда олий ўқув юртлари рейтингини аниқлаш тизими жорий этилади. Ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексининг ҳар бирига 35 фоиздан, иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқланадиган малака индекси 20 фоиз билан, қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича рейтинг баллари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан республикамизда 1998 йилда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури, Оналар ва болалар скрининги (1998 й.), Соғлом авлод (2000 й.), Оналик ва болаликни сақлаш (2001 й.), Ҳомийлар ва шифокорлар йили (2006 й.), Ёшлар йили (2008 й.), Баркамол авлод йили (2010 й.), Мустаҳкам оила йили (2012 й.) каби давлат дастурлари, Саломатлик дастурлари, шунингдек, аёллар ва ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди ва амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида кўп сарф-харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият берилмоқда. Қишлоқ жойларда яхши самара бермаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди.

Бунинг натижасида амбулатория-поликлиника муассасалари сони 1990 йилдаги 3130 тадан 2010 йилда 5886 тага, ҚВПлар сони 2000 йилдаги 1567 тадан 2010 йилда 3208 тага етди. Республикамизда барча вилоят, шаҳар, туманларини қамраб олган шошилинч тиббий ёрдам ташкил этиш тизими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилди. Барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида скрининг марказлари ташкил этилди. Ўтган ўн йил давомида 11 та пренатал маркази ташкил этилди.

Бунинг натижасида оналар ўлими ҳар 100 минг нафар гўдакка нисбатан 1990 йилдаги 65,3 дан 2010 йилда 21 тага, шу даврда гўдаклар ўлими 34,6 промилледан 11 промиллега камайди[9].

Кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада қисқарди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш – 32,4 фоизга, юқумли касалликлар – 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш – 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди. 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларнинг юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди. "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор



етакчи ўнта мамлакат қаторига киритилган[10]. 2012 йилда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектлари фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида уй-жой коммунал хўжалик соҳаси ҳам ривож топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган "Кичик" хусусийлаштириш натижасида 96 фоиздан зиёд оила илгари давлат тасарруфида бўлган уй-жойларни шахсий мулк қилиб олишди.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси 1990 йилда ҳар бир кишига 12,1 квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 15,2 квадрат метрга етди ёки 1,26 баробар ортди. Республикадаги оилаларнинг қарийб 77,4 фоизи алоҳида уй ва коттежларда истиқомат қилмоқда.

Аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ҳамда магистраль ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини қуриш бўйича аниқ мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 2010 йилда 1990 йилга нисбатан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 64 фоиздан 82,6 фоизга, шу жумладан, қишлоқ жойларда 55 фоиздан 75,8 фоизга ўсди. Табиий газ таъминоти шу даврда 44,6 фоиздан 83,6 фоизга, шу жумладан, қишлоқ жойларда 19,3 фоиздан 77,7 фоизга ўсди. Таҳлил даврида марказий иситиш тизими билан таъминланганлик 29,1 фоиздан 41 фоизга, оқовалаштириш хизмати билан таъминланганлик 25,5 фоиздан 37,1 фоизга ўсди[11].

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, уларни шаҳар ҳаёт шароитларга тенглаштириш мақсадида кейинги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур амалга оширилмоқда. 2010-2012 йилларда ушбу дастур асосида 23 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

2013 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги уй-жойларни қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда. Бу мақсадлар учун 1 трлн. 400 млрд. сўм, яъни 2012 йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилади.

Ижтимоий соҳанинг ривожланиши кўп жиҳатдан уни молиялаштиришга боғлиқдир. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробардан зиёд ошди. Ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. 2012 йилда Давлат бюджети харажатларининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда, дунё амалиётида эса бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар натижасида аҳоли турмуш даражаси барқарор равишда ўсиб бормоқда. 2010 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ХҚП – харид қобилияти паритети бўйича) АҚШ долларида 2,5 мартага, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари 1990 йилдаги 551 ХҚП бўйича АҚШ долларидан 2010 йил охирида 2016,8 ХҚП бўйича АҚШ долларига ўсди. Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори эса 2010 йилда 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажми эса 5,9 баробарга ошди[12]. 2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,3 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари 23,1 фоизга ортди. Аҳоли даромадлари 2012 йилда 17,5 фоизга, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ўсди. 2000 йил билан таққослаганда реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида 1,5 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилган. 2012 йилда тадбиркорлик даромади аҳоли умумий даромаднинг 51 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоиз ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этди. Оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга. Аҳолининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб, деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб, деб билган. 2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир[13].

Аҳоли ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий соҳанинг истиқболдаги ривожлантирилиши макроиқтисодий барқарорликни ва изчил юқори иқтисодий ўсиши суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технологик янгилаш асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ўқув мебели ва анжомлари билан жиҳозлашни давом эттириш, 2011-2015 йилларда барча мактабларни ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини берадиган компьютер синфларини ташкил этиш борасидаги чора-тадбирлар охирига етказилади. Бундан ташқари, 400 та болалар спорти, 221 та болалар мусиқа ва санъати мактабини қуриш ва реконструкция қилиш, таълим муассасаларида замонавий технологияларни жорий этиш ва таълим сифатини янада ошириш ишлари амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қабул қилинган 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастур амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш асосида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилиш, касалликларни дастлабки давридаёқ аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, санитария-эпидемиология ҳолатини, шу жумладан, қишлоқ жойларда яхшилаш, тор мутахассисликларга ихтисослашган илмий марказларни диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларида таъминлаш орқали ривожлантириш каби чора-тадбирлар белгиланган.

2011-2015 йилларда 700 дан (ўтган 5 йилдагига нисбатан 1,8 баробар кўп) соғлиқни сақлаш муассасаси (вилоятларда 27 та кўп тармоқли марказ, 12 та минтақавий тиббий диагностика маркази ва 10 та республика ихтисослаштирилган маркази) қуриш, реконструкция қилиш ва уларни жиҳозлаш дастури амалга оширилмоқда.

Республикамизда келгуси йилларда 100 дан ортиқ туман тиббиёт мажмуалари Жаҳон банкининг "Саломатлик-3" лойиҳаси доира-

сида умумий қиймати 93 миллион доллар миқдоридаги замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланади, қишлоқ аҳоли пунктлари қошида ҳаётий зарур дори воситаларини етказиб берадиган дорихоналар фаолиятини ташкил этиш ишларини якунига етказиш мўлжалланган[14].

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда диққатимиз марказида туриши лозим бўлган устувор вазифалардан бири сифатида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга оширишни давом эттириш белгилаб берилди. Шунга кўра, 2012 йилда намунавий лойиҳалар асосида умумий турар жой майдони 1 млн. 200 минг квадрат метрга тенг бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса 2011 йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир. Шу билан бирга, бюджет маблағлари ҳисобидан турар жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган. Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади[15].

Хулоса ўрнида Президентимизнинг "Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштириб, ўтган даврда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз ҳам, жорий йилдаги ва ундан кейинги йиллардаги барча саъй-ҳаракатларимиз ҳам ягона эзгу мақсадга – халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман", деган сўзларини таъкидлаш жоиз.

Х.П.АБУЛҚОСИМОВ,
Иқтисод фанлари доктори,
профессор.
Гўзал АЛИМОВА,
ЎзМУ и.ф.н.
Муборак АШУРОВА.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011.

И.А.Каримов. 2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2012 йил 19 январь -Т.: Ўзбекистон, 2012.

И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш/2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь // "Халқ сўзи", 2013 йил 19 январь.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

---

[1] И.А.Каримов. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". – Т.: "Ўзбекистон", 2011.-205-бет.

[2] И.А.Каримов. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". - Т.: "Ўзбекистон", 2011.-167-168-бетлар.

[3] И.А.Каримов. 2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2012 йил 19 январь. - Т.: "Ўзбекистон", 2012. 5-бет. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш/2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2013 йил 18 январь//"Халқ сўзи", 2013 йил 19 январь.

[4] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Т.: "Ўзбекистон", 2011.- 201-бет.

[5] Ўша манба, 103-бет.

[6] И.А.Каримов. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". -Т.: "Ўзбекистон", 2012. - 15-бет.

[7] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: "Ўзбекистон", 2011.-206-бет.

[8] И.А.Каримов. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" .-Т.: "Ўзбекистон", 2012.-15-бет.

[9] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: Ўзбекистон, 2011. -109, 113-бетлар.

[10] И.А.Каримов. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". -Т.: "Ўзбекистон", 2012.- 17-18-бетлар.

[11] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. -Т.: "Ўзбекистон", 2011.-116-бет.

[12] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: "Ўзбекистон", 2011.-74,78-79-бетлар.

[13] И.А.Каримов. "Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш/2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурини энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. //"Халқ сўзи", 2013 йил 19 январь.

[14] Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: "Ўзбекистон", 2011.-134-бет.

[15] И.А.Каримов. "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". - Т.: "Ўзбекистон", 2012 йил-28-бет.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати



Миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар аввало "фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати"[1] бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда устувор вазифа сифатида қаралмоқда ва ушбу йўналишда хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни илмий тадқиқ қилиш долзарб масаладир.

Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида аҳамияти юқори бўлиб, айнан бу тоифадаги инвестициялар минтақада экспортнинг ўсишига асосий омил бўлди. Хорижий компаниялар биринчи навбатда тез ривожланувчан тармоқлардан бўлган электрон ва электротехника саноатига эътибор қаратди. Инвестицияларнинг самарали оқими туфайли минтақа мамлакатлари тез суръатларда аграр ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларга айландилар.

Минтақада Малайзия ва Тайланд хорижий инвестициялар жалб қилувчи энг очиқ давлатлар сифатида ҳисобланиб, жумладан, улар хорижий инвесторлар кўмагида экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришга муваффақ бўлдилар. Кейинчалик ушбу турли минтақавий таркибий тузилмаларда инвестицияларни жалб қилиш сиёсатидан кенг фойдаланиб, хорижий инвестициялар оқими таъсирида тез ривожланувчан иқтисодиёт сифатида эътироф этилдилар[2].

Хорижий инвесторлар импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йўналтирилган сиёсат талабларидан келиб чиққан ҳолда айрим тармоқларга кенг жалб қилинган бўлса, бошқаларида турли чекловлар орқали тўсиб қўйилди. Жумладан, экспорт учун фаолият кўрсатаётган компанияларга имтиёзлар фойдаланишда устунликлар берилган бўлса, маҳаллий бозорга кириб келаётган ва ўз маҳсулотини сотишга ҳаракат қилаётган компаниялар фаолияти тазйиққа учради. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози минтақа мамлакатларини ички бозорга хорижий инвесторларни кириб келишини эркинлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, қайд этиш керакки, бир неча ўн йиллар мобайнидаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг иқтисодиётдаги устуворлиги минтақадаги хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги стратегик сиёсатга бевосита боғлиқдир[3]. Чунки, экспортга йўналтирилган фирмаларга турли-туман имтиёзлар берилган бўлиб, бундай ҳолат, айниқса, минтақанинг Индонезия, Филиппин ва Таиланд каби мамлакатларида яққол кўзга ташланади. Бу фирманинг филиали устидан тўлиқ назорат қилиш, тезкор рўйхатдан ўтказиш, ерга эгалик ҳуқуқи, солиқ ва бож тўлашдаги имтиёзларида намоён бўлди. Ушбу мамлакатларда ички ва ташқи инвесторларга тақдим қилинаётган қатор имтиёзлар учун алоҳида фаолият йўналишлари белгиланган бўлиб, бу билан ҳукуматлар ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришга ва юқори технология-

ларга эҳтиёж бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлашни устувор вазифа сифатида эътироф этдилар.

Минтақада хорижий инвестициялар жалб қилишни қўллаб-қувватлаш икки шаклдан иборат бўлиб, биринчи шаклда солиқ имтиёзлари муайян муддатга берилиб, Тайланд, Малайзия ва Филиппинда асосан ушбу шаклдаги имтиёзлар қўлланилган.

Иккинчи шаклда эса, ички инвестицияларда қўлланилган турли чекловлардан ҳамда ишлаб чиқариш воситалари ва материаллари учун белгиланган импорт бож тўловларидан озод қилинадилар.

Шунингдек, инвестиция жалб қилиш сиёсатига таъсир қилувчи омил сифатида мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, минтақа мамлакатларидан бири бўлган Индонезияда биринчи марта демократик сайловлар ўтиши ва шу асосда мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширилиши сиёсий барқарорликни таъминлаб, иқтисодий барқарорликка замин яратди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатнинг сўнгги йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари ижобий тенденцияни намоён қилмоқда[4]:

– рупийни айирбошлаш курси қулай тарзда ўзгармоқда;

– инфляция даражаси нисбатан паст бўлиб, 6-6,5 фоизни ташкил этмоқда;

– ички иқтисодий ўсиш 6,1-6,4 фоиз атрофида кузатилмоқда;

– фоиз ставкаси 8,0 фоизга қадар тушиб келмоқда.

Инвестицион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Индонезия ҳукумати қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий қонунчиликка ўзгартириш киритиладиган тадбирларни амалга оширди[5]:

– давлат ва маҳаллий ҳокимиятнинг бошқарув тизимини энг мақбул ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича инвестицион хизматларни институционал мустаҳкамлашни уйғунлаштириш;

– божхона пошлиналари ва акцизларга, солиқ процедураларига, божхона омборларидан товарлар ҳаракатини яхшилаш, контрабанда маҳсулотлар киришига тўсиқлар қўйишга тааллуқли сиёсатни шакллантириш;



– солиқ ислоҳотларини амалга ошириш, экспортни рағбатлантирувчи инвестицион солиқ имтиёзлари, солиқ тўловчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги шаффофликни таъминлаш;

– меҳнат ресурслари борасидаги масалалар бўлиб, иш ўринларини яратишда қулай шарт-шароитларни шакллантириш, ходимларни ишга олишда тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва ишчи кучи миграциясида янги ёндашувларни ривожлантириш;

– кичик ва ўрта тадбиркорликка доир масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган сиёсатни қўллаб-қувватлашдир[6].

Индонезия иқтисодиётида махсус иқтисодий зоналарни яратиш алоҳида ўрин тутиб, улар мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир этади. Чунки, иқтисодий зоналар тез ривожланишга, тўғридан-тўғри иқтисодий таъсир этиб, у ерда янги иш ўринлари яратилади, замонавий технологиялар жалб қилинади, турдош тармоқларниг иқтисодий юксалишига асос солинади.

Шунингдек, Малайзиянинг мамлакатга инвестицияларни жалб қилишга қаратилган тадбирлари ҳам аҳамиятлидир.

Малайзиянинг стратегик тадбирлари дастлаб айирбошлаш курси билан боғлиқ жараённи эркинлаштиришдан иборат бўлди[7]. Хорижиий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ бошқа тадбирлар қуйидагилардир[8]:

– Малайзияда тадбиркорликка кўмак берувчи махсус комиссия ташкил қилинди. Ушбу махсус комиссия томонидан мавжуд қонунчиликни тартибга солиш тизимини яхшилаш борасидаги тадбирлар ишлаб чиқилди, маҳаллий ҳокимиятнинг бюрократик тўсиқлари қисқартирилди;

– Малайзия саноатни ривожлантириш ташкилоти тавсиясига мувофиқ, хизматлар секторида бож тўловларидан озод қилиши қўлланилди;

– хорижий инвесторларнинг мулк харид қилиш жараёни енгиллаштирилиб, кўчмас мулк солиғидан озод қилинди;

– инвестициялар бўйича қўми-

та ташкил қилиниб, инвесторлар тезлашган тарзда рўйхатдан ўтказилди ва муҳим инвестицион лойиҳалар тегишли имтиёзлар билан таъминланиб, бажарилиши назорат қилинди.

Малайзия ҳукумати томонидан ўсиш ва ривожланиш бўйича миллий режани амалга ошириш бошланди[9]. Шу боис 2006 йилдан Учинчи асосий саноат режаси ва тўққизинчи Малайзия режаси бошлаб юборилди. Учинчи асосий саноат режаси 2006–2020 йиллардаги қайта ишлаш тармоғини ва у билан боғлиқ бўлган секторларни ривожлантириш стратегияси ва сиёсатини қамраб олади, шу билан бирга, тўққизинчи Малайзия режаси 2006 – 2020 йиллар мобайнида амалга ошириладиган тадбирлар ва ташаббусларни деталлаштиради. Ҳар иккала режага кирган тадбирлар инвестициялар жалб қилишни қўллаб-қувватлайдиган рағбатлантириш механизми орқали мамлакат иқтисодиётининг жаҳондаги рақобатбардошлигига эришишга қаратилган.

Инвестициялар жалб қилиш сиёсати ва у билан боғлиқ стратегик режалар ҳамда амалга оширилган ислоҳотлар Филиппинда ҳам ижобий инвестицион натижаларни таъминлади.

2007 йилда қабул қилинган Устувор йўналишларнинг инвестицион режалари[10] Филиппиндаги "1-жаҳон мақомига миллатни 20 йилдан сўнг эриштириш" қарашларга мос келади. Ушбу режа, шунингдек, аввал амалда бўлган Саноат кластери ёндашувини ўзида ифода қилиб, унда мамлакатга инвестицияларни жалб қилиш, саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш тадбирлари ўрин олган.

Тайланднинг инвестициялар бўйича вазирлик сиёсатида хорижий инвестициялар жалб қилишнинг асосан уч тармоқ йўналишида амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган[11]:

1. Электрон саноат – ушбу тармоқда мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган юқори технологияли ускуналар ва саноат маҳсулотларини қўллаш, бу борада максимал даражада солиқ бошқа имтиёзларидан фойдаланиш;

2. Нефть-кимё саноати – ушбу тармоқни ривожлантиришдан мақсад Тайланд импортини қисқартириш, нефть-кимё соҳасининг рақобатбардошлигини жаҳон бозорида мустаҳкамлашдир. Тармоқда хлорли натрий, хлор, гидрохлорли кислота ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга имтиёзлар жорий қилинди;

3. Автомобиль саноати – тармоқ ривожланиши тежамкор, атроф-муҳитни кам ифлослантирувчи ва жаҳон андозаларига мос келувчи моторли двигателларга қаратилди. Бу тармоқда асосий имтиёзлар даромад солиғидан 8 йилга ва импорт қилинадиган машина ва ускуналарни импорт бож тўловларидан озод қилиш сифатида белгиланди.

Мухтасар айтганда, хорижий инвестицияларни жалб қилишда минтақавий ташаббуслардан ташқари ҳар бир мамлакат якка тартибда инвестиция жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда.

Ушбу мамлакатларда иқтисодиётнинг инвестиция жалб қилиш борасидаги муайян даражадаги очиқлиги ва ўзаро турли интеграцион бирлашмалардаги ўзаро ҳамкорлигига қарамасдан сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити, солиқ сиёсати, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланганлиги, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, инфратузилмаларни мустаҳкамлаш, таълим даражасини ошиши, меҳнат ресурсларининг салоҳияти сезиларли ўрин тутади. Буларнинг барчаси ислоҳотлар ва инвестициялар жалб қилиш бўйича тизимли сиёсатнинг самараси бўлиб, натижа эса мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишида кўринади.

Абдулазиз ҲАСАНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети тадқиқотчиси.

---

[1] Каримов И. "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 20.01.2012 й.

[2] Thomson S. "Southeast Asia: The role of FDI Policies in Development", OECD, 1999

[3] Johnson Andreas "FDI and Exports: The case of the High Performing East Asian Economies" CESIS, 2006

[4] Statistics Indonesia (BadanPusatStatistik)

[5] ASEAN Investment Report 2006, p.32

[6] ASEAN World Investment Report 2006, p.34

[7] Department of Statistics of Malaysia

[8] ASEAN World Investment Report 2010, p.39

[9] National Statistical Coordination Board of Philippines

[10] ASEAN World Investment Report 2010, p.42

[11] National Statistical Office of Thailand

Ўзбекистонда бизнес истиқболлари



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Халқимиз азал-азалдан ўзининг бунёдкорлик салоҳияти билан инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, бозорларни тўкин, юртини обод этиб келган. Ёши уч минг йил билан бўйлашадиган кўплаб шаҳарларимизда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ равнақ топгани тадбиркор халқимизга хос ноёб ва эзгу фазилат эканидан далолатдир. Истиқлолнинг илк йилларидан улуғ боболаримизнинг ана шундай эзгу анъаналарини изчил давом эттириш, одамларнинг мулкдор бўлишини кафолатлаш, ўз ақли ва салоҳияти билан маҳсулот яратаман, деган инсонни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу йўналишда, аввало, бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, уни жадал амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилди.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш тартиби соддалаштирилди, рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси қисқартирилди, янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати узайтирилди. Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

Биргина ўтган 2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни "Бир дарча" тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилади ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мосдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб

қўйилган. Юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг илк натижаларини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, тармоқ дастурларини амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалалари муҳим ўрин тутади ва бу соҳаларда 250 минг кишини иш билан таъминлаш белгиланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган. Давлат бошқаруви органлари томонидан мазкур соҳа субъектларига турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда уларни чеклаш тартибларини кескин қисқартириш, тадбиркорларнинг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, тадбиркорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш шулар жумласидандир.

Мазкур фармонга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди. 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорга нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди. Юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга.

Буларнинг барчаси нафақат бугунги, балки эртанги фаровон ҳаётимизнинг муҳим омилидир. Бугун юртимиз тадбиркорлари ҳар қадамда давлат ҳимоясини, эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилиб яшамоқда. Бу жиҳатлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун берилаётган мадад – имтиёзли кредитлар ҳажми ва салмоғи ошаётганида ҳам намоён бўлмоқда. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Ўзбекистонда бизнес, иқтисодий ривожланишлар ҳақида сўз борганда энг муҳим одимлардан бирига тўхталмай ўтишнинг иложи йўқ. Янгидан ташкил этилган "Навоий" ва "Ангрен" эркин индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна еттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объект-



лари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Қўлга киритган тажрибалар шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам “Навоий” ва “Ангрен” каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мақола якунида шуни ҳам айтиш керакки, Мустақиллик йилларида халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарди. Боқимандалик асоратларидан аста-секин халос бўлган ҳамюртларимиз ўз уйини обод қилишу дастурхонини тўкин этиш аввало, ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун етарлича шароит ҳам, имконият ҳам борлигини англаб етмоқда. Бошқача айтганда, “берсанг ейман” тарзидаги боқиманда қарашлар ўрнига “ҳаракатда – баракат” қоидаси ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда вужудга келган янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаётган экан, тадбиркорлик маданияти тамойилларини ҳаётимизга янада кенгроқ жорий этиш, ёшларнинг ишбилармонлик салоҳиятини шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этаётир.

А.Х.ИШМУХАМЕДОВ,
т.ф.н. доцент,
Г.К.ЖАННАЗАРОВА,
катта ўқит.
Г.А.АЛИМОВА,
и.ф.н доц.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

И.А.Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т., “Ўзбекистон”, 2011.

И.А.Каримов. “Маънавият – енгилмас куч”. Т., “Ўзбекистон”, 2009.

И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т., “Ўзбекистон”, 1997.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 1994.

И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида”,- Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

Е.Набиев, А. Қаюмов. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. Т.: “Академия”, 2000.

Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы. - Уч. М.: ИД ФБК – “Пресс”, 2000.

У.И. Иноятов, Г.Н. Ахмаджонова. “Бюджет ва бюджет тизими” Тошкент. 2006.

Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш

Пенсия таъминоти тизимини бошқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш ва унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1252-сонли қарори қабул қилинди. Қарор низомига мувофиқ, пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари белгиланган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, пенсия тизими самарали амал қилиши учун пенсионерлар ва ишлаётган фуқаролар ўртасида маълум даражада мувозанат бўлиши лозим. Бироқ, демографик прогнозлар республикада аҳолининг кексайиш жараёни нисбатан тезлашишини ва бу мувозанат ўзгаришини, яъни кексаларнинг иқтисодий фаол аҳолига тўғри келадиган демографик юки ортиб боришини кўрсатмоқда. Бу ҳолат иқтисодий фаол аҳолидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари бозор нуқтаи назаридан камайишини, яъни ишлаётганларнинг бадаллари пенсияларни тўлаш учун ҳам етмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида ҳозирдан пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилашни талаб этади.

Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилашнинг қатор имкониятлари мавжуд. Улардан бири пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишдир. Республика пенсия жамғармаси маблағларининг 87,5 фоизини ҳақиқий пенсия тўловлари, қолган 12,5 фоизини молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар (пенсияга устамалар, ижтимоий нафақалар, ҳарбий хизматчиларга пенсия тўловлари) ташкил этган. Бизнингча, молиялаш билан қопланмайдиган қўшимча харажатлар давлат бюджетининг бошқа манбаларидан молиялаштирилса, биринчидан, пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадлилиги ошади, иккинчидан, пенсия жамғармасининг молиявий аҳволи яхшиланади.

Республикада пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларидан бири имтиёзли пенсия тайинланишини камайтиришдир. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда ёшга доир пенсия олувчилар ўртасида имтиёзли асосда пенсияга чиқувчиларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йилда жами ёшга доир пенсия олувчилар сони 2005 йилга нисбатан 4,4 фоизга кўпайгани ҳолда, имтиёзли асосда пенсия олувчилар сони 29,5 фоизга кўпайган. Фикримизча, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши шароитида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишида кузатилаётган қуйидаги хусусиятлар имтиёзли асосда тайинланадиган пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Жумладан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг киритилишига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, иқтисодиётнинг аксарият тармоқларидаги меҳнат шароити аввалгидек зарарли ва оғир ҳисобланмайди. Агар 2005 йилда саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат қилаётган ҳар 10000 кишининг касб касаллиги билан хасталаниш кўрсаткичи 0,5 фоиз бўлган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 0,45 фоизни ташкил этди.

Юқорида кўрсатилган хусусиятлар республикада имтиёзли пенсиядан бутунлай воз кечишга имкон беради. Бу эса, пенсияга чиқиш ўртача ёшини эркаклар учун 1,5 йилга, аёллар учун 2 йилга кўтариш имконини беради.

Қатор мамлакатлар пенсия тизимини молиявий барқарорлаштириш муаммосини пенсияга чиқиш ёшини кўтариш йўли билан ҳал қилмоқда. Масалан, МДҲ таркибига кирувчи аксарият мамлакатлар пенсияга чиқиш ёшини қонун йўли билан кўтарди. Жумладан, Озарбайжон, Молдова ва Туркманистонда пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун – 62 ёшга, аёллар учун – 57 ёшга, Арманистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 60 ёшга, Қозоғистонда эркаклар учун – 63 ёшга, аёллар учун – 58 ёшга кўтарилган.

Ўзбекистонда пенсия жамғармаси молиявий ҳолатини яхшилаш йўлларидан яна бири эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштиришдир. Янги иқтисодий муносабатлар шароитда Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибида бевосита аёлларга хос ижтимоий-демографик хусусиятлар содир бўлмоқда. Жумладан:

– ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар салмоғи ортиб бормоқда. Агар, 1995 йилда иқтисодий фаол аёллар салмоғи 3608,0 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 5554,1 минг кишига етган ёки бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 45,4 фоизини аёллар ташкил қилмоқда;

– аёлларда эркакларга нисбатан туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлигининг юқорилиги сақланмоқда. 1990 йилда республикада аёлларнинг ўртача умр давомийлиги 72,4 ёшдан 2012 йилда 75,1 ёшга, эркакларда эса 66,1 ёшдан 69,6 ёшгача ошган. Кўриниб турибдики, аёлларнинг ўртача ҳаёт давомийлиги эркакларга нисбатан 3-5 йилни ташкил этади.


Кўриб ўтилган ижтимоий-демографик хусусиятлари эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш имконини яратди.

Жулдиз БАКИРОВА,
Тошкент молия институти магистранти.

Биржа Эксперт

ВНИМАНИЮ

РУКОВОДИТЕЛЕЙ, ЭКОНОМИСТОВ, ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ И МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ!



С января 2008 года начался выпуск экономического научно-популярного ежемесячного журнала «Биржа Эксперт» – приложения к республиканской экономической газете «Биржа».

Подпишитесь на журнал «Биржа Эксперт», и вы станете обладателем достоверного источника экспертной информации.

На журнал можно подписаться через отделения ОАО «Узбекистон почтаси», АК «Matbuot tarqatuvchi» и другие подписные агентства.

Также вы можете оформить прямой договор с ООО Издательским домом "Биржа". Подписной индекс – 1169.

Дополнительная информация по телефонам: (99871) 259-21-96, 259-22-06.

Комплексная методика управления состоянием и развитием систем



В 80-е годы прошлого столетия ООН создала Международную комиссию по окружающей среде и развитию. Основное содержание программы комиссия обозначила термином «sustainable development» — «поддерживающееся развитие»[1], означающим развитие, которое может поддерживаться неопределенно долго. Затем, уже в 1992 году, термин был закреплен конференцией ООН по окружающей среде и развитию в Рио-де-Жанейро (ЮНСЕД), которая попыталась придать этой деятельности конкретные программные формы.

Устойчивое развитие – это такое развитие, при котором удовлетворяются потребности настоящего времени, но не ставится под угрозу способность будущих поколений удовлетворять свои потребности. Принимая национальную стратегию устойчивого развития, разработанная главой государства и последовательно реализуемая «узбекская модель» национального развития также является долгосрочной стратегией.

Однако при оценке устойчивости отраслей или крупных производственных объединений (концернов, холдингов и т.д.), иными словами, больших систем, может возникнуть ряд проблем, особенно в условиях современной глобализации мирохозяйственных связей. Системы управления сегодня должны четко реагировать на любые изменения. Причем это относится к изменениям внутренней среды или собственного производства, а также к внешним факторам воздействия. Управление крупными системами должно вовремя реагировать на любые изменения, которые могут повлечь негативные последствия.


В мировой практике разработано достаточно методик, которые направлены на тот или иной аспект регулирования. К примеру, к таким универсальным методикам управления можно отнести KPI (Key Performance Indicators), OLAP системы управления компаниями, стратегии развития для отдельных корпораций, матрицы позиционирования и т.д. Каждая методика имеет свою целенаправленность. Однако все они нацелены на долгосрочное планирование и осуществление миссии компании либо направлены лишь на оперативное управление основными процессами производства.

В условиях же быстроменяющейся внешней среды, с одной стороны, необходимости непрерывного внутреннего контроля, с другой стороны, а также необходимости наличия миссии и долгосрочной стратегии развития в условиях рыночной экономики нужен всеобъемлющий подход к управлению.

Таким образом, в рамках оценки устойчивости предлагается ввести комплексную методику управления состоянием любой системы. Для этого недостаточно ограничиться лишь общепринятыми экономическими показателями. Для решения нужны нестандартные подходы.

Сущность методики заключается в ее промежуточном характере в концепции управления боль-

Рис.1. Трехуровневая система оценки развития и состояния систем



шими системами. Иными словами, она позволяет осуществлять управление на определенный момент времени. Она не рассчитана на долгосрочное планирование, но охватывает более широкий спектр показателей, позволяющий объективно видеть складывающуюся картину. Для этого необходимо в первую очередь определить, что такое система. В качестве системы может выступать целая отрасль или только одно крупное хозяйственное объединение, объединенное характерными видами деятельности[2]. В качестве системы не могут пониматься разнонаправленные типы деятельности или субъекты, относящиеся к разным отраслям экономики. Однако любая система, вне зависимости от ее масштабов и типа организации, признается принадлежащей к отраслевой системе оценки устойчивости и состояния развития. Таким образом:

1. Из системы оценки устойчивого развития страны или региона необходимо выделить подсистему отраслевой оценки.

2. Состояние может быть выражено в абсолютных, относительных, качественных, эмпирических и экспертно определенных показателях.

3. С учетом целевой направленности все показатели структуры, под которой понимается трехуровневая система показателей на государственном, региональном и отраслевом уровнях, можно разбить на три категории (рис. 1):

1) показатели входного воздействия;

2) показатели состояния;

3) показатели управления.

Система на трех уровнях представляет собой экономику в целом, где на первом месте располагается государственная концепция устойчивого развития страны, на втором – региональные программы устойчивого развития, а на третьем – отраслевые системы. Отраслевыми данные системы названы в силу того, что методика предназначена для оценки некоторой системы, имеющей принадлежность к определенной отрасли. Именно этот аспект является основой для дальнейшей модификации общей представленной методики, с учетом отраслевых особенностей.

Первые показатели системы характеризуют человеческую деятельность, процессы и характеристики, которые влияют на устойчивое развитие. Вторые – характеризуют текущее состояние различных аспектов устойчивого развития. Третьи – индикаторы реагирования, позволяющие осуществлять политический выбор или какой-либо другой способ реагирования для изменения текущего состояния.

Структурная идея состоит в том, чтобы сбалансировать систему показателей в виде четырех групп, где в центре соответствен-

но находится сама система управления (рис. 2).

Первая группа включает традиционные финансовые показатели. Как бы ни доказывались важность рыночной ориентации, необходимость совершенства внутренних процессов, собственника всегда в первую очередь будут интересовать показатели финансовой отдачи на вложенные средства и конечный финансовый результат. Поэтому сбалансированная система должна начинаться (в классификации) и заканчиваться (в конечной оценке) финансовыми показателями.

Вторая группа описывает внешнее окружение, оказывающее влияние на состояние всей отрасли. В данную группу целесообразно включить ценовые риски, обусловленные рыночной конъюнктурой, а также налоговую политику государства в целом и в отношении отдельных отраслей.

Третья группа характеризует внутренние процессы предприятия, это ее инновационная и инвестиционная эффективность, качество управления в отрасли, обеспеченность ресурсами.

Четвертая группа позволяет описать способность отрасли к дальнейшему развитию и росту, которая фокусируется на следующие факторы: дефицит кадровых ресурсов, удельный вес квалифицированных специалистов, а также прошедших переподготовку, НИОКР и т.д.

Каждая группа имеет свою значимость и методику оценки во всей структуре. Значимость определяется в процентном или коэффициентном значении[3] (см. таблицу 1).

Как показывает отечественная практика, на сегодняшний день осуществляется лишь оценка основных экономических или финансовых показателей. Эта оценка важна и необходима. Однако она лишь показывает, чего предприятие достигло за определенный период, но не позволяет судить по результатам о том, что делать

Рис. 2. Структура показателей оценки состояния



Источник: разработано авторами.

в ситуации ухудшения, к примеру, инвестиционного климата или повышения налоговой нагрузки.

Для этого необходимо периодически создавать полную картину внешнего и внутреннего состояния.

В предлагаемой методике каждая группа состоит из комплекса показателей, совокупность которых показывает ее общее значение.

Группа первая. Финансовое состояние системы. Для объективной ее оценки необходимо рассчитать и оценить:

1. Ликвидность и платежеспособность. Т.е. оценить активы и пассивы, рассчитать и проанализировать коэффициенты ликвидности. Коэффициенты ликвидности включают:

– Коэффициент общей (текущей) ликвидности (Ктл=ОА/КО).

– Коэффициент быстрой (критической) ликвидности ($К_{кл}$ = (ДА + КА)/ (ДП + КП)).

– Коэффициент абсолютной ликвидности (*Кал= ДА /(ДП + КП).*

– Чистый оборотный капитал.

– Финансовую устойчивость. Это показывает ряд следующих показателей:

2. Коэффициент капитализации.

– Коэффициент маневренности собственного капитала.

– Коэффициент финансирования.

– Коэффициент заемных средств.

– Коэффициент структуры долгосрочных вложений.

– Коэффициент долгосрочного привлечения заемных средств.

– Коэффициент структуры привлеченного капитала.

– Коэффициент покрытия инвестиций.

– Коэффициент обеспеченности оборотных активов собственными оборотными средствами.

– Индекс постоянного актива.

– Рентабельность: собственного капитала, актива и продаж.

Группа вторая. Внешнее окружение.

Для объективной ее оценки необходимо оценить влияние:

кредитно-денежной политики;

налогово-бюджетной политики;

политики государства в области экологии;

появления новых конкурентов и (или) технологий;

доступа к запасам (ограничивающие факторы политического характера).

Оценка данных параметров предполагает применение метода присвоения коэффициентов. Соответственно, при наилучшем режиме благоприятствования вводится наивысшая оценка, и наоборот. Шкалу и ее шаг эксперт определяет сам. После получения всех коэффициентов выводится средне-гармоническая взвешенная величина.

Группа третья. Внутренние процессы системы.

Эта группа описывает состояние управления, которое осуществляет сама система. Соответ-

ственно если первая или вторая группа оказывали воздействие, не зависящее от принятий решений самой системой, то данная группа это исключает. Для объективной ее оценки необходимо оценить:

– показатели использования и недоиспользования производственных фондов;

– фактор интенсивного роста;

– показатели для оценки устойчивости развития по уровням их критических значений;

– показатель энергоемкости.

Группа четвертая. Оценивает способность системы к дальнейшему развитию и росту. Это самая важная подсистема, так как ее удельный вес в оценке всей системы достаточно большой. Кроме того, эта подсистема служит показателем не только для управления состоянием, но и для определения дальнейшей стратегии развития системы. Ее состояние складывается из совокупного влияния следующих составляющих:

– инвестиционные критерии;

– инновационные критерии;

– показатели ресурсообеспеченности;

– система стратегических приоритетов;

– показатели эффективности производства;

– показатели использования НТ-мероприятий;

– показатели экологической результативности;

– критерии модернизации.

Применительно к данной группе рекомендуется использовать методику анализа отраслевой конкурентной стратегии, а также современные системы DataMining.

Каждая составляющая всей системы оценки не может дать полной картины устойчивого и динамичного развития. Следовательно, невозможно, к примеру, лишь по положительным показателям ликвидности или рентабельности делать заключение о всем развитии (или его отсутствии). Полученные заключения по каждой подсистеме дают возможность оценить целостное состояние, взаимовлияние факторов и причинно-следственные связи той или иной проблемы.

Таблица 1. Показатели значимости элементов структуры

Группа	Название	Приоритет
1	Группа финансово-экономических показателей	0,2
2	Группа внешнего окружения	0,15
3	Группа внутренних процессов предприятия	0,3
4	Группа, оценивающая способность отрасли к дальнейшему развитию и росту	0,4

Источник: разработано авторами.

Уникальность данной методики заключается в том, что эксперт-исследователь может преобразовать ее в зависимости от особенностей системы, ее отраслевой принадлежности, масштаба и т.д.

Концепция устойчивого развития страны рассматривается на государственном уровне как приоритетное направление в развитии общей государственной стратегии. Это стало еще более актуальным после придания ей программной формы в рамках ООН. В данном аспекте очень важен анализ как базовых отраслей экономики, так и крупных градообразующих предприятий и холдинговых объединений в экономике страны. Именно системы крупного масштаба представляют наибольшую сложность в управлении и регулярном мониторинге. Они более подвержены влиянию негативных внешних факторов в силу негибкости и емкости деятельности.

Для успешного управления подобными системами необходима комплексная программа, осуществляемая на регулярной основе и позволяющая вовремя реагировать на любые изменения как во внутренней среде системы, так и во внешнем ее окружении.

Предлагаемая методика позволяет адаптировать ее к любой крупной системе вне зависимости от того, представлена ли отрасль одной холдинговой компанией, либо анализ ведется по одному крупному предприятию. Экспертные методы оценки позволяют внести коррективы в зависимости от специфики анализируемой системы.

З. ОТАКУЗИЕВА,
доцент, к.э.н. филиала РГУ нефти и газа им. И.М. Губкина в г. Ташкенте;
А. ТАЛИПОВА,
студентка 4-го курса филиала РГУ нефти и газа им. И.М. Губкина в г. Ташкенте;
А. ОЙМАТОВ,
Ферганский политехнический институт.

[1] В литературе данный термин переведен как «устойчивое развитие».

[2] Примечание. Термин введен авторами.

[3] Коэффициент значимости определяется экспертным путем и имеет разные значения в рамках той или иной отрасли.

Развитие лизинга – путь к устойчивому внедрению водосберегающих технологий в фермерских хозяйствах



Для Узбекистана, испытывающего нарастающий дефицит водных ресурсов, проблемы, связанные с изменением водных ресурсов, играют ключевую роль в экономическом развитии и обеспечении жизненных потребностей.

С ростом численности населения, интенсивным развитием промышленности, коммунального хозяйства и других отраслей экономики день за днем увеличивается потребность в воде. А периодически повторяющиеся засухи и маловодные годы обуславливают необходимость экономного расходования оросительной воды в сельском хозяйстве и использования её с максимальной отдачей.

Основным направлением решения проблемы роста водного дефицита в республике в настоящее время является реализация широкомасштабного внедрения водосберегающих технологий в фермерских хозяйствах. Так как сегодня фермерское хозяйство по праву является ведущим звеном и основной формой организации сельскохозяйственного производства. Фермерское движение объединяет свыше 66 тысяч фермерских хозяйств, на чью долю приходится более 85% всех орошаемых земель, где производится основная часть сельскохозяйственной продукции.

В связи с этим, согласно Указу Президента Республики Узбекистан № УП-4478 «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации деятельности и развитию фермерства в Узбекистане» от 22 октября 2012 года, одной из важнейших задач деятельности Совета фермеров Узбекистана, советов фермеров Республики Каракалпакстан, областей и районов определено содействие во внедрении эффективных водосберегающих технологий, в первую очередь капельного орошения.

Однако для широкомасштабного внедрения водосберегающих технологий (системы капельного орошения и дождевания, гибкие трубопроводы, полиэтиленовые лотки и др.) в фермерских хозяйствах необходим поиск новых механизмов, форм и схем реализации инвестиций, обеспечивающих необходимый приток денежных средств. Одним из современных, перспективных и эффективных финансовых инструментов, который позволяет фермерским хозяйствам приобретать и обновлять свои основные фонды, повышать конкурентоспособность выпускаемой продукции, снижать налоговые и оперативные издержки управления инвестициями является лизинг.

Лизинг – особый вид арендных отношений, при котором одна

сторона – лизингодатель по поручению другой стороны – лизингополучателя приобретает у третьей стороны – продавца в собственность обусловленное договором лизинга имущество – объект лизинга и предоставляет его лизингополучателю за плату на определенных договором финансовой аренды условиях во владение и пользование на срок, превышающий двенадцать месяцев.

Лизинг является наиболее выгодной и рациональной формой кредита, максимально удобной для предприятия как с точки зрения налогообложения, так и в смысле организационно-управленческой эффективности. Этот финансовый инструмент способствует мобилизации финансовых средств для инвестиционной деятельности. Обеспечивает посредством своего механизма гарантированное использование инвестиционных ресурсов на цели переоснащения производства. Привлекательность лизинга обусловлена тем, что для его осуществления не требуется единовременная мобилизация финансовых ресурсов в размере полной стоимости приобретаемого актива. Это особенно важно, когда инвестиционные потребности фермерского хозяйства, связанные с использованием сложной, дорогостоящей техники или техники с высоким риском морального износа, превышают на данный момент финансовые возможности фермерского хозяйства.

Кроме того, важным преимуществом оформления лизинговой сделки является то, что лизингополучатель может приобрести необходимое технологическое оборудование и существенно снизить его стоимость, так как технологическое оборудование, ввозимое для передачи в лизинг, освобождается от НДС (ст. 219 НК РУз) и таможенных пошлин. Кроме этого, в течение всего срока лизинга предприятие освобождается от налога на имущество по приобретенному оборудованию (ст. 269 НК РУз), а размер налогооблагаемой базы по налогу на прибыль уменьшается на размер процентов, выплачиваемых по лизингу (ст. 159 НК РУз).

Опыт многих стран мира подтверждает высокую эффективность лизинга как инструмента привлечения инвестиций, даже в период экономического кризиса.

В настоящее время лизинг в Узбекистане становится важным источником среднесрочного и долгосрочного финансирования предприятий реального сектора экономики и начинает играть особую роль в качестве эффективного инструмента увеличения активов лизингополучателей.

С целью привлечения инвестиций и модернизации основных фондов сельского хозяйства в 1999 году в республике была создана акционерная лизинговая компания (АЛК) «Узсельхозмашлизинг». В настоящее время компания имеет 13 региональных филиалов, функционирующих во всех регионах страны, а также дочернюю компанию «Uzmashlizing», специализирующуюся на поставке оборудования концерна «Клаас».

